БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 117 (1895) | 16 июнь, жума, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

ЛУБ ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛИНИ ТИНМАЙ ОШИРАЙЛИК!

Тошкент областидаги лубкор хўжаликларнинг барча колхозчилари, „Коммунизм“ совхозининг ишчилари ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларига

МУРОЖААТ

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун кураш асосий вазифамиздир. Шу билан бир қаторда бизнинг областимизда қишлоқ хўжалигининг бошқа экинлари ҳам ўстирилади. Булар орасида луб-каноп ҳам қимматбаҳо экинлардан ҳисобланади. Тошкент области каноп ҳосили етиштиришда мамлакатимиз бўйича энг биринчи ўринда туради.

Биз луб ҳосили етиштирувчи совхоз ва колхозларнинг меҳнаткашлари вакиллари лубкорларнинг область кенгашига ажойиб кунда — бутун мамлакатимиз КПССнинг XXII съездига муносиб совғалар тайёрлаётган кунда йиғилишдик. Бу кенгашда биз луб ҳосили етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилдик, ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, илгариги олган мажбуриятимизни қайта кўриб чиқишга қарор қилдик. Агар биз шижоат билан астойдил меҳнат қилсак, ўсимликларни парвариш қилишда агротехника қоидаларига тўла риоя қилсак илгариги мўлжалимиздагидан кўра кўпроқ ҳосил етиштиришимиз мумкин.

Биз шуларни ҳисобга олиб областимиз бўйича олдинги белгиланганича 200 минг тонна эмас, балки 220 минг тонна луб пояси ва 1600 тонна каноп уруғи етиштириш юзасидан оширилган социалистик мажбурият олдик. Қуйи Чирчиқ районининг колхозлари ва «Коммунизм» совхози 115 минг тонча луб ҳосили ва 950 тонна каноп уруғи етиштириш, шу уруғликдан давлатга 337 тоннасини сотиш мажбуриятини олдилар. Районнинг Димитров номли колхози 40 минг тонна луб пояси ва 178 тонна каноп уруғи етиштириб, шундан 62 тоннасини; Ленин номли колхоз 20,5 минг тонна луб ҳосили ва 147 тонна каноп уруғи етиштириб, шундан 41 тоннасини; «Коммунизм» совхози 14,5 минг тонна луб ҳосили ва 330 тонна каноп уруғи етиштириб, шундан давлатга 167 тоннасини, Ворошилов номли колхоз 12 минг тонна луб ҳосили ва 91 тонна каноп уруғи етиштириш, шундан 27 тоннасини; Сталин номли колхоз 10 минг тонна луб пояси ва 58 тонна каноп уруғи етиштириш, шундан 14 тоннасини; Энгельс номли колхоз 9,5 минг тонна луб пояси ва 70 тонна каноп уруғи етиштириш, шундан 16 тоннасини; «Гулистон» колхози 8,5 минг тонна луб пояси ва 76 тонна каноп уруғи етиштириш, шундан 10 тоннасини давлатга сотишга аҳд қилдилар.

Юқори Чирчиқ районининг колхозлари 105 минг тонна луб пояси ва 650 тонна каноп уруғи етиштириш, ана шу уруғликдан давлатга 282 тоннасини сотиш мажбуриятини олдилар. Шу жумладан: Свердлов номли колхоз 26 минг тонна луб пояси ва 171 тонна уруғлик каноп етиштириш, шундан 108 тоннасини; «Политотдел» колхози 25 минг тонна луб пояси ва 150 тонна уруғлик каноп етиштириш, шундан 111 тоннасини; «Правда» колхози 20 минг тонна луб пояси ва 155 тонна уруғлик каноп етиштириш, шундан 109 тоннасини; «Ўзбекистон» колхози 17 минг тонна луб пояси ва 90 тонна каноп уруғи етиштириш, шундан 29 тоннасини; «Ленинский путь» колхози 17 минг тонна луб пояси ва 84 тонна каноп уруғи етиштириш, шундан 11 тоннасини давлатга сотишга аҳд қилдилар.

Бу жуда юксак мажбурият. Бу шарафли вазифанинг уддасидан чиқиш учун биз ривожланиши кечикаётган айрим участкалардаги ўсимликларни яхши ривожланаётган ўсимликларга етказиб олиш учун барча чораларни кўрамиз.

Ҳали қатор бригада ва колхозларда каноп ўсимлиги бегона ўтлардан, заричаклардан тозаланмаган, биринчи парвариш тамомланмаган майдонлар бор. Бу майдонлардаги ўсимликларни озиқлантириш ва суғориш ишлари яхши ташкил этилмаган.

Биз ўсимликларни табақалаштирилган ҳолда апрель ойида экилган каноп қатор ораларига июнь ойининг охиригача икки марта ишлов берамиз. Бу ишни кечки экилган майдонларда 5 июлгача тамомлаймиз. Барча майдонлардаги ўсимликларни кам деганда 3—4 марта культивация қиламиз. 1 июлга қадар ўсимликларни органик-минерал ўғитлар аралашмаси билан икки марта озиқлантирамиз.

Бу йил сув танқислигини ҳисобга олиб, исроф-гарчиликка йўл қўймаслик учун курашамиз. Суғоришни кечасию-кундузи ташкил этиб, барча майдонлардаги ўсимликларни 1 июлга қадар 3 марта кондириб суғорамиз. Шунда кейинги давр ичида кўкпоя учун ўстирилаётган ўсимликларга 2 — марта, уруғлик учун ўстирилаётган ўсимликларга 1—2 марта сув тараймиз. Уруғлик каноп ва тараш ишларини 1 августгача тамомлаймиз.

Шу билан бирга бегона ўтларга, айниқса зарпечакка қарши кескин кураш олиб борамиз.

Биз доимо илғор лубкор хўжаликларнинг бой тажрибаларини оммалаштириб бориб, «Политотдел», «Правда», Свердлов номли, Димитров номли колхозлардан, Шин Хя-Рен, Пак Сегир, Ким Чун Ок, Ким Валентин, Ким Сон Бон ва бошқа илғор бригадирлардан юқори ҳосил етиштириш йўлларини ўрганиб борамиз. Чунки улар ўз ишларининг моҳир усталари ҳисобланадилар.

20 июнга қадар ҳосилни йиғиб оладиган барча техниканы мавсумга тахт қилиб қўйиб, 5—10 августдан ҳосилни йиғиб олишга оммавий равишда киришамиз. Шу билан бирга луб саноати ходимларини янги ҳосилни қабул қилиш ва қайта ишлаш ишига яхши тайёрланишга чақирамиз.

Биз луб ҳосили етиштиришни бу йил янада кўпайтириш юзасидан юксак мажбурият олар эканмиз, қишлоқ хўжалиги машиналари конструкторларидан уруғ экадиган, экинларни парвариш қиладиган, айниқса ҳосилни йиғиштириб оладиган машиналар комплексини тезроқ ихтиро қилишларини илтимос қиламиз. Ана шунда қўл меҳнатидан батамом қутилган ва ортиқча ҳаражатларни йўқотган бўламиз.

Шунингдек биз селекционер олимларни яқин йиллар ичида луб экинларининг янги, серҳосил тез пишар уруғларини топишга чақирамиз. Токи бундан кейин луб етиштириш ишини янада ривожлантиришга имконият берсин.

Зиммамизга олаётган мажбуриятимиз реал. Биз уни албатта бажарамиз. Бу бизнинг КПССнинг XXII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездига муносиб совғамиз бўлади.

БУ МУРОЖААТ ЛУБКОРЛАРНИНГ ОБЛАСТЬ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Қатта Кремль саройида қабул маросими

МОСКВА, 14 июнь. (ТАСС). Илмий ходимлар Бутуниттифоқ кенгашининг ишлари тамом бўлганлиги муносабати билан Совет ҳукумати бугун Қатта Кремль саройида қабул маросими ўтказди. Мамлакатимиздаги илмий тафаккурнинг кўзга кўринган намояндалари, ўз меҳнатлари, билимлари билан коммунизм қарор топтириш сурўатларини жадаллаштиришда совет халқига ёрдам бераётган кишилар бу ерга тўпландилар. Қабул маросими қатнашчилари илғор совет фанини янада ривожлантириш учун, физикаримиз, математикаримиз, биологларимизнинг муваффақиятлари учун, халқ зиёлиларимизнинг илғор отряди учун қадаҳлар кўтардилар.

Гулдурос овоция билан қутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев қабул маросимида нутқ сўзлади.

Миржалол Аҳмедов Тошкент подшипник заводининг илғор ишчиларидан бири. Ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун яқинда унга коммунистик меҳнат зарбдори номи берилди. Миржалол ўз касбини пухта эгаллагани туфайли смена топшириғини 130 процентга етказиб бажармоқда, муттасил сифатли маҳсулот бераяпти. Суратда: ўрток М. Аҳмедов иш устида.
М. Комлев фотоси.

ЗАКАЗЛАР ВАҚТИДА БАЖАРИЛЯПТИ

Тошкент кабель заводининг коллективи бир неча йиллардан бери Хитой Халқ Республикасининг буюртмаларини бажармоқда. Ҳар йили кўплаб кабеллар жўнатилиб турибди. Фақат 1960 йилда Хитойга 250 минг метрга яқин турли сим ва деярли 5 минг метр кабель буюмлари етказиб берилди. Бу йил Хитой металлургия саноатининг гигант корхоналари ҳисобланган Ухан ва Баотоу металлургия комбинатлари ва бошқа корхоналар учун 600 тоннага яқин очиқ мис симлари, шунингдек беш километрдан ортиқ узунликдаги экскаватор кабеллари юборилади.

Тошкентлик кабелчилар қардош социалистик мамлакатнинг ана шу буюртмасини ўз муддатида, сифатли қилиб бажариш учун зўр кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

Корхона коллективи Хитойга фақат ўз маҳсулотларини етказиб бериш билангина чегараланиб қолмаётир. Завод инженер-техник ходимлари Хитой Халқ Республикасининг кабель саноатини ривожлантиришга ҳам муносиб ёрдам бермоқдалар. Шаньян кабель заводини бунёд этишда жуда кўп совет мутахассислари ишлади. Улар орасида Тошкент кабель заводининг ҳам инженер-техник ходимлари бор эди. Мамлакатимиздан борган кабель саноати ходимлари группасига корхонанинг бош инженери Константин Иванович Костигов икки йил мобайнида бошчилик қилди.

— Шаньян заводи,— дейди Константин Иванович биз билан суҳбатда,— ўз қуввати ва техника билан ускуналаниши жиҳатидан жаҳондаги энг йирик ва замонавий кабель саноати корхоналаридан қолишмайди. У Тошкент кабель заводига ўхшаш гигант ва фақат совет ускуналари билан қуролланган. Мамлакатимиздан борган инженерлар, технологлар хитойлик дўстларга кабель саноатида кўп йиллар давомида ишлаб орттирган бой тажрибаларини бажонидил ўргатишди. Шаньян кабель заводининг коллективи совет халқининг бегараз ёрдамидан жуда миннатдор эканлигини изҳор қилди. Биз бундан кейин ҳам зарур ёрдамни кўрсатишга тайёрмиз.

В. ДОЛОТИН,

„Оҳангарон ГРЭСи—Олмалиқ“

ОҲАНГАРОН. (ЎзТАГ). «Узбекгидроэнергострой» трестига қарашли Фарғона монтаж участкасининг Евгений Цветков бошлиқ бригадаси Оҳангарон ГРЭС—Олмалиқ электр линиясини монтаж қила бошлади. Симлар унификациялаштирилган янги тиргаклларга биркитилиб, пўлат мачталарнинг пойдевори йиғма темир бетондан қурилмоқда.

Монтажчилар линияни Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғидаги геологик жиҳатдан қийин шароитда қуриб, топшириқни кун сайин ошириб бажармоқдалар. Монтажчилар коллективи янги электр линиясини КПСС XXII съезди очиладиган кунгача ишга туширишга ваъда берди.

Е. А. ФУРЦЕВА МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

МОСКВА, 15 июнь. (ТАСС). СССР маданият министри Е. А. Фурцева Исландияга ва Англияга қилган сафаридан бугун Москвага қайтиб келди.

ПРЕЗИДЕНТ СУКАРНО МОСКВАДА

МОСКВА, 15 июнь. (ТАСС). Индонезия Республикасининг Президенти ва Бош Министри доктор Сукарно ва унинг бу сафардаги ҳамроҳлари Югославияга кета туриб, бугун «ТУ-114» самолетида Пекиндан бу ерга келдилар.

Индонезия Республикаси ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Президент Сукарнони СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва бошқалар кутиб олдилар.

Пешқадам коллектив

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва оловбардош металлар комбинатининг коллективи КПССнинг XXII ва Ўзкомпартия XVI съездлари шарафига бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этиб, ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этмоқда. Беш ойлик план муддатидан бир неча кун илгари бажарилди ва қўшимча равишда истеъмолчиларга ўнларча минг сўмлик маҳсулот жўнатилди.

3-металлургия цехи коллективи йил бошидан бери пешқадамликни ўз қўлида сақлаб келмоқда. Худди бир оиланинг аъзоларидек меҳнат қилаётган цех ишчилари шу кунларда июнь ойи планини бажариш арафасида туришти. Цехда смена нормасини бажармайдиган биронта ҳам ишчи йўқ. Металлурглардан Геннадий Хромих, Ғулом Икромов, Халима Тоғаева, Абдуғафур Ураимов ўртоқлар топшириқни 170 процентдан бажариб, касбдошларига ўрнак бўлмоқдалар.

Т. ЎРУНОВ,

КПСС XXII съезди шарафига

КОЛЛЕКТИВИМИЗ ТУҲФАСИ

Жонажон партиямизнинг навбатдаги XXII съезди очиладиган тарихий кун — 17 октябрь тобора яқинлашиб келмоқда. Шу улуғ айёмни муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун барча совет кишилари қатори заводимиз ишчилари ҳам астойдил бел боғлаганлар. Ҳар бир цех коллективи, бригада ва ишчи съездолди социалистик мусобақасида актив иштирок этмоқда.

... Механика цехидаги қаторқатор ўрнатилган агрегатлар бетўхтов ишламоқда. Станоклардан бирини кекса ишчи Тойир Акрамов бошқараётир. У эшиклар учун тутқич ясамоқда. Орадан бир зум ўтгач, станок ёнида турган яшик янгигина ясалган тутқичлар билан лиқ тўлди. Тойир ака ҳар куни ана шундай тутқичлардан нормадаги 120 ўрнига 140—150 та тайёрлайди.

Цехнинг ўртоқ Николин бошлиқ бўлган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ҳам самарали ишлаб, юқори кўрсаткичларга эришаётирлар. Улар смена топшириқларини 110—115 процент бажариш билан бирга, маҳсулотнинг аъло сифатли бўлиши учун курашмоқдалар. М. Ориповв, Т. Сиддиқов, К. Акрамов каби кўпгина ёшлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларида сиртдан ўқиб, ўз билимларини оширишяпти.

Заводимиз ишчилари социалистик мусобақани тобора қизитиб, йиллик планни 5 декабргача бажаришга аҳд қилиб ишлаётирлар.

М. МИРЗААҲМЕДОВ,
Тошкентдаги «Узремвес» заводи механика цехининг ишчиси.

Қулайлик туғилди

Тошкент транспорт машинасозлиги заводида ёнилғи сифатида Бухоро табиий газидан фойдаланишга ўтиш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Корхонанинг 1-қуюв ва 4-темирчилик цехларини газлаштириш ишлари тугалланиб, дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди.

Илгари мана шу иккала цехда ойига 120 тонна кўмир ёқилар эди. Бунинг устига кўмир ташиш ва уни ёқиш учун камида 10—11 киши банд бўларди. Газлаштириш туфайли катта қулайлик туғилди: ҳозир печларни ёқиш ишларини бир киши бажармоқда. Қолган ишчилар эса бошқа участкага ўтиб ишламоқдалар. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш маданияти яхшиланди: ишчилар тоза ҳавода меҳнат қилаётирлар.

Йил охирига бориб заводнинг барча цехларини газлаштириш кўзда тутилмоқда. Натижада корхона йилига давлатнинг 32 минг сўм пулини иқтисод қилади.

У. УСМОНОВ,
қуюв цехининг мастери, «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ИЛМИЙ ХОДИМЛАРНИНГ КРЕМЛДАГИ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИДА

МОСКВА, 14 июнь. (ТАСС). Социалистик Ватаннинг шон-шуҳратини улуғ кашфиётлар билан бойитган, космоса йўл очиб берган совет фанини янада ривожлантириш йўллари илмий ходимларнинг Кремлдаги Бутуниттифоқ кенгашида уч кундан бери муҳокама қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда илмий-тадқиқот ишларини координациялашни ва СССР Фанлар Академиясининг фаолиятини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорини мамлакат олимлари ҳаракатининг жанговар программаси сифатида қабул қилдилар. Кенгашда сўзга чиққан илмий тадқиқот институтларининг, олий ўқув юртларининг халқ хўжалиги кенгашларининг раҳбарлари мамлакатда тадқиқот ишларини ташкил этишни қайта қуриш программаси жуда катта аҳамиятга эга эканлигини, коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган даврда бу программани фаннинг тобора ўсиб бораётган ролига мувофиқлаштириб амалга ошириш кераклигини уқтириб ўтмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **А. Н. Косигин** кенгашда нутқ сўзлади. Кенгаш қатнашчилари уни самимий кутиб олдилар.

Илмий ходимларнинг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан чақирилган мазкур кенгаши, деди А. Н. Косигин, партия ва ҳукуматнинг илм-фанни ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик кўрсатаётганлигининг яна бир далилидир, коммунизм қурилишини кенг авж олдириш зарида илм-фаннинг аҳамияти ниҳолда буюкдир.

Бизнинг мамлакатимиз кескин суратда юксалмоқда. Унинг экономикаси ва маданияти гуллаб-яшнамоқда. Халқнинг турмуш даражаси узлуксиз ошиб бормоқда. Етти йилликнинг биринчи икки йили мобаинида СССР экономикасини ривожлантириш якунлари ва коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш йўлидаги қарамизнинг истиқболлари чиндан ҳам улуғвордир.

Ҳозирги замон фанининг бир канча жуда муҳим соҳаларида совет фанининг етакчи роль ўйнаётганлигига, ракета техникаси ва космик фазони тадқиқ қилиш соҳасида Ватанимизнинг биринчи ўринда турганлигига бутун дунё тан берди. Совет халқининг ижодкор ақл-заковати бутун инсоннинг учун энг ёрқин ва зўр умидлар бағишловчи истиқболлар очиб бермоқда.

Коммунистик партия фанни ривожлантириш масалаларига, фаннинг коммунистик қурилиш практикаси билан чамбарчас боғланиб иш олиб боришига катта аҳамият бермоқда. Ҳозирги замон фани бевосита моддий ишлаб чиқарувчи кучга тобора кўпроқ айланмоқда. Шу билан бирга, техниканинг ривожланиш суръатлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларидан илдам бўлиб бориши лозим, фан эса техникага қараганда тезроқ ривожланиши керак. Унга фақат социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида эришиш мумкин, бундай шароитда илмий-техника тараққиёти меҳнатни енгиллаштиришга, иш вақтини қисқартиришга, халқ фаровонлигини оширишга олиб келади ва тинчлик ишини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу кенгашимизда биз, — дейди А. Н. Косигин, — ютуқларимиз ва камчиликларимизга хушёрлик билан баҳо беришимиз, мамлакатимизнинг фан-техника тараққиётининг ҳал қилувчи ҳамма соҳаларида жаҳонда биринчи ўринни мустаҳкам эгаллаб олишига имкон берадиган қилиб фан ва техниканы тараққий эттиришнинг энг самарали йўлларини белгилаб олишимиз лозим.

А. Н. Косигин совет фанининг турли соҳаларидаги жуда катта муваффақиятларини қисқача тавсифлаб ўтди. У жумладан шу нарсани таъкидлайдики, кейинги беш йил ичида 12 минг номдан кўпроқ машиналар, ускуналар, асбоблар ва турли материалларнинг янги турларини саноатда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Фанимизнинг муваффақиятлари жуда катта, деди сўнгра А. Н. Косигин, лекин бу муваффақиятлар ҳатто яна кўп марта ортиқ бўлганида ҳам биз эришилган натижалар билан тўхталиб қолишимиз мумкин эмас. Фан соҳасидаги муваффақиятларга танқидий баҳо бериш, бор камчиликларни мунтазам равишда анализ қилиб туриш, бу камчиликларни йўқотиш йўлларини белгилаб бориш керак.

Ўртоқ Косигиннинг нутқида фаннинг коммунистик қурилишдаги ролига катта эътибор берилди.

Коммунизмнинг ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг энг юксак босқичига асосланган моддий-техника базасини вужудга келтириш вазифасини фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида планли равишда қўллаган, шу асосда ишлаб чиқаришнинг ҳамма процессларини узлуксиз такомиллаштириб бориш йўли билангина муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Иқтисодий фан, деб таъкидлайди А. Н. Косигин, турмуш талабларидан, практикадан орқада қолмоқда. Буни партия Марказий Комитети, шахсан Н. С. Хрушчев бир неча бор кўрсатиб ўтган эди. Иқтисодий фанни коммунистик қурилиш практикасига қатъий равишда яқинлаштириш керак.

А. Н. Косигин илмий тадқиқотларни планлаштириш масалаларига ва илмий кадрлар проблемасига тўхталиб айтдики, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати фанни тез ривожлантиришни таъминлаётган ва фан муваффақиятларидан халқ манфаатлари йўлида, биринчи навбатда планлаштириш системаси орқали фойдаланмоқда. Коммунистик жамият қуришнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли ҳал қилмоқ учун илмий ишларни ташкил этиш ва планлаштиришни анча яхшилаш зарур, меҳнат тақсимотини, ихтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни амалга ошириш лозим.

Лекин илмий ишлар ҳар қанча яхши планлаштирилган ва координация қилинган бўлмасин, бунинг ўзи фанни тез ривожлантириш ва унинг коммунизм қуришдаги ролини ошириш учун кифоя қилмайди. Ҳар қандай ишда, айниқса фан соҳасида муваффақиятли кадрлар ҳал қилади. Янги илмий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг меҳнатини тўғри ташкил этиш соҳасида ҳали жуда кўп иш қилиш лозим. Амалий ишда ўзининг яхши истеъдоди эканлигини кўрсатган кишиларга фан эшикларини кенг очиб қўйиш зарур.

Совет давлати, дейди А. Н. Косигин, мамлакатда фанни ривожлантиришга пул аяётгани йўқ. Фан эҳтиёжлари учун 1950 йилда 874 миллион сўм ажратилган бўлса, 1960 йилда бу маблағ 3.260 миллион сўмга етди, 1961 йилда эса, фан эҳтиёжлари учун 3.800 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади. Вазифа шуки, давлат томонидан ажратилган маблағлардан халқ хўжалиги учун мақсадга энг мувофиқ бўлган ва самарали соҳаларда фойдаланиш керак.

Фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари социалистик мамлакатлар учун ҳам, капиталистик мамлакатлар учун ҳам ўзаро аҳамиятга эга. Аммо, ихтиролларнинг лицензияларини капиталистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли равишда айирбошлаш иши бизда яхши йўлга қўйилгани йўқ. Албатта, капитализм мамлакатлари билан илмий-техника муваффақиятларини айирбошлашни йўлга қўйиш ва кенгайтириш фақат бизнинг ўзимизгагина боғлиқ иш эмас. Маълумки, чет эллардаги нуфузли доирэларнинг кўплари бундай алоқаларга тўсқинлик қилмоқдалар. Лекин биз бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида тинчлик ва тараққиёт манфаатларини кўзлаб, халқаро илмий-техника алоқаларни мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга интилаберамиз.

А. Н. Косигин ўз нутқини тамомлаб айтдики, бу кенгаш мамлакатнинг илмий ва ғоявий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеадир. Кўп йиллар давомида биринчи марта бу ерда, Кремлда совет олимлари фанни ривожлантиришнинг туб проблемаларини ҳар томонлама муҳокама қилмоқдалар, фан тараққиётининг энг муҳим истиқболларини белгилаб бермоқдалар. Ўз зиммаларига масъулиятли мажбуриятлар олмоқдалар.

Партия Марказий Комитети ва Министрлар Совети бу кенгашга катта аҳамият бераётир. Кенгашда сўзга чиққан фан ва техника арбоблари кўпсина муҳим масалаларни қўйдилар ва бир талай жуда қимматли таклифлар киритдилар.

Совет кишилари ғолиб социализм мамлакати олимлари кенгашининг ишини зўр қизиқиш билан кузатиб турибдилар. Бунинг сабаби ҳам равшан: совет фани—халқнинг жони-танидир, унинг севикли ўз фарзандидир.

Совет олимлари армияси — инсониятнинг келажагига қилинаётган коммунистик ҳужум ҳаракатининг олдинги сафидаги зарбдор армиядир. Совет олими, курашчи олим, революционер олим бўлиш, коммунизм қурувчилар улуғ армиясининг актив қатнашчиси бўлиш катта шарафдир!

Коммунистик партия Марказий Комитети ва Ҳукумат совет олимлари олдига: социалистик системанинг афзаллигидан бутун чоралар билан фойдаланиш, чет эллар фанидан тарихан қисқа муддат ичида ўзиб кетиш ва жаҳон фанида биринчи ўринни олиш вазифасини қўйди. Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати мамлакатимиз олимларининг бу фахрли вазифани шараф билан бажаришларига ишонади.

А. Н. Косигиннинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва кўп марталаб қарсаклар билан бўлиниб турди.

Академик М. В. Келдиш доклади юзасидан музокаралар ўтхатилади.

Кенгаш қатнашчилари Совет Иттифоқининг барча фан ходимларига Мурожаат қабул қиладилар.

Ҳозирги замон шароитида, дейилади Мурожаатда, фаннинг роли тез ошмоқда. Мамлакат олимларидан саноатда техника тараққиётини жадаллаштириш ва қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама юксалтириш ишида тагин ҳам активроқ қатнашишларини кутади. Физика, кимё, радиоэлектроника, ҳисоблаш техникаси, автоматика ҳамда фан ва техника бошқа тармоқларининг энг янги муваффақиятларини халқ хўжалигида кенгроқ қўлланиш, социалистик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳар томонлама ошириш зарур.

Илмий ходимларнинг Бутуниттифоқ кенгаши мамлакат олимларини ўзларининг бутун куч-билимларини, ғайрат ва талантларини коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга ошириш учун сарфлашга, КПСС XXII съездини фан соҳасида янги жуда катта муваффақиятлар билан қутиб олишга чақиради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига ёзилган хатни кенгаш қатнашчилари зўр иштиёқ билан қабул қиладилар.

Коммунистик партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг кенгашимиз қатнашчиларига ва мамлакатнинг ҳамма олимларига ёзган табригини, дейилади хатда, биз ниҳоят даражада хурсанд бўлиб тингладик. Олимларнинг меҳнатига юксак баҳо бериб, айтилган самимий сўзлар учун биз Коммунистик партия Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига чин кўнгилдан ташаккур айтамиз.

Барча совет олимлари фаннинг коммунистик қурилиш практикаси билан алоқасини мустаҳкамлашга, халқ хўжалигини ва маданиятни янада юксалтиришга ёрдам берадиган проблемаларни ҳал қилишда илмий-тадқиқотларнинг ролини оширишга интилаётганликлари хатда уқтириб ўтилади.

Шу билан илмий ходимларнинг Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини тамомлайди.

Тажрибакорлар саҳифаси

Газетамизнинг аввалги сонларида «Тажрибакорларимизнинг айтганлари» рубрикаси остида илғор колхоз раислари, бригада бошлиқлари, уста пахтакорларнинг бу йилги шароитда ғўза парваришини ташкил этиш ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисидаги маслаҳатлари берилди.

Яқинда редакция ходимлари область колхоз ва совхозларида бўлиб, яна бир гуруҳ тажрибакорлар билан суҳбатлашдилар. Бугун биз қуйидаги саҳифада ана шу тажрибакор кишиларнинг маслаҳатларини босаётирмиз. Улар ғўзани озиқлантириш, культивация қилиш, зараркунандаларга қарши кураш, машина теримига тайёргарлик кўриш ва пахтанинг таннархини арзонлаштириш учун қандай ишлар қилиш кераклиги тўғрисида қимматли фикрларни баён қилдилар.

ҒЎЗАЛАРИМИЗНИ ГУЛГА КИРИТДИК

Тошмамат АЛИЖОНОВ,
«Оққўрғон» совхози коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

□ □ □

Етти йилликнинг учинчи йили яқинлашиши билан ҳосилдор бўлган 100 гектар еримизни бошқа бригадага бериб қолоқ участкани 50 гектар майдонини ўзимизга қўшиб олдик. Ана шу участкадан ўтган йили 20 центнердан ҳосил олинган эди. Бригадамиз аъзолари қолоқ участкани олишга олиб юзимиз шувит бўлиб қолмасин, деган мақсад билан 116 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтаришга қатъий сўз бердилар.

Бу йил пахтанинг тезпишар «27 — 47» навли уруғини экдик. Яхши етилган ерларга саралаб экилган чигит анча тез униб чиқди. Мурғак ғўзаларимиз икки-уч чинбарг чиқариши биланоқ дарҳол ягонани бошлаб юбордик ва бир ҳафта ичида тамомладик.

Маълумки, ўсимлик қанчалик ёшлигида озиқлантирилса, шунчалик тез ўсади, ҳосили шунча мўл бўлади. Биринчи комплекс ишлов беришни апрелнинг охири ва майнинг бошларида ўтказдик. Бунда ҳар бир гектар ернинг талабига қараб ўртача ҳисобда 100 килограмм селитра ва 100 килограмм суперфосфатга 150 килограмм тўнг аралаштириб озиқлантирдик. Озиқлантиришни барвақт ўтказганимиз ўз самараларини кўрсатаётгандек. Ғўза тез ривожланиб, тез шонага кирди. 1959 йилда ҳам озиқлантиришни анча эрта бошлаган эдик, пахтани августнинг 28-кунидан бошлаб тердик. Бу йил ғўзаларимизни озиқлантиришни 5 июлга қадар тугатишни мўлжалладик. Ҳозир ҳамма участкаларимизда иккинчи озиқлантириш бошлаб юборилди.

Бу йил суғориш ишларига ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Қишда ҳамма майдонни ихобдан олдин 70 сантиметр чуқурликда юмшатган эдик. Шу кунларга келиб, бу яхши натижа бермоқда. Ҳозир суғорилган карталаримизда нам анчагача сақланаяпти. Ғўзалар ҳам тез чанқаб қолмаяпти. Чунки ер чуқур юмшатилган. сув ғўзанинг илдизларини энг тагидан захлатмоқда. Бригадамиз майдонларига сув қишин-ёзин бирдай тўрадиган Қорасув булоғидан оқиб келади. Шундай бўлса ҳам бу йилги сув камчилроқ. Шуни назарда тутиб найча усулида суғоришга жиддий эътибор беряпмиз. Бизнинг жуда уста «найчи»ларимиз бор. Шамсиддин Жалолиддинов, Аҳмад Туркманидзе, Ҳаким Ҳалимов ўртоқлар ана шундай кишилардан. Шу усул билан ҳозиргача ҳамма майдонларимизни бир ярим марта суғордик.

Суғоришдан кейин ер тобига келиши биланоқ культивацияни дарҳол бошлаб юборяпмиз. Бу йил бизда ишлатилаётган тупроқни майин юмшатиб кетувчи янгичка пичоқли янги культиваторлар яхши фойда келтираяпти. Бу культиватор ишлаган майдонларни найча усулида захлатиб суғорсангиз, пайкалда ёнгоқдек ҳам кесак қолмас экан. Универсалчимиз ўртоқ Мамасодиқ Пўлдошев бу янги культиваторни жуда ўрнига қўйиб ишлатаяпти. Юрий Дельченко билан Тўражон Сирожиддиновлар ҳам ундан қолишмаяптилар.

Ғўзаларимизни ана шундай парвариш қилаяпмиз. Ўсимликка меҳр билан қараган эдик, у ҳам барвақт гул чиқариб бизга кулиб боқди. Ғўзаларимиз бу йил кутганимиздан анча илгари гуллади. 12 июнь куни 8, 9, 14-карталаримиздаги ғўзалар гул кўрсатди. Шу карталарда гул борган сари кўпаймоқда. Бир икки ҳафта ўтар-ўтмас улар кўсакка, «оқ олтин» ҳосилига айланабошлайди.

Биз ҳосилдорликни ошириш билангина чегарланиб қолмасдан, пахтанинг таннархини кескин камайтиришга ҳам аҳамият беряпмиз. Таннарх қандай камаяди? Пахтанинг сорти яхши бўлса, машинада кўпроқ терилса, қоп-қанорсиз ташилсагина камаяди-да! Ўтган йили пахтанинг ассортиментига қараб топшириб, планимизни 103 процент бажарган эдик, 138 минг сўм мукофот олдик. Бу йил ҳосилнинг 80 процентини биринчи сортга топширишни мўлжалладик.

80 гектар еримиздан 320 тонна пахтани машинада териб оламиз. Бу ҳам таннархни анча камайтиради. Негаки, бир килограмм пахтани қўлда терсангиз, янги пул билан 4—5 тийин сарфлайсиз, машинада терсангиз бир тийиндан ошмайди. Орадаги фарқ ана шунча!

Ўртоқ Т. Алижоновнинг ғўзалари гуллайбошлади.
Ш. Шорахмедов фотоси.

Ўтган йили 320 тонна пахтани қоп-қанорсиз ташиб, 7000 сўмни тежаб қолган эдик. Шу ҳисобигагина таннарх 2—2,5 сўмга камайган эди. Бу йил ҳосилимизнинг 80 процентини қоп-қанорсиз ташиймиз. Бундан ташқари таннархни камайтириш учун минерал ўғитлардан ўринли ва исроф қилмасдан фойдаланаяпмиз. Шуни назарда тутиб бу йил 7 сўмга бир центнер пахта етиштириш учун курашаяпмиз.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлида зўр ғайрат ва шижоат билан ишлаб, КПССнинг XXII ва Ўзбекистон КП XVI съездлари шарафига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаймиз.

БУНИ ЭСДА ТУТИНГ:

- Вақтинг кетди — нақдинг кетди.
- Ер — хазина, сув олтин.
- Ишга қўним — хирмонга унум.
- Омонат иш овора қилар.
- Пахтанинг ҳар шонаси, мўл ҳосил нишонаси.
- Сув — ғўза томирига қон.
- Ёзда захмат чекилмаса, кузда хирмон баракали бўлмайди.
- Бегона ўт — ҳосилнинг офати.
- Саратон суви — экинга дори.
- Машинага меҳр қўйган муродига етади.

МИНУТЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ

Юнус ота РАСУЛЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Сталин номли колхозининг кекса аъзоси.

□ □ □

Халқимизда: «вақтинг кетди—нақдинг кетди» деган мақол бор. Бунинг маъноси шуки, агар бепарволик қилиб, бугунги ишни эртага қўйсангиз, ўйлаган мақсадингизга етолмай қоласиз. Кейинги пушаймоннинг фойдаси бўлмайди.

Демоқчиманки, ҳозир пахтакорларимиз учун соатлари карталарга, минутлари соатларга тенг келадиган давр бошланди. Ахир ўзингиз ўйлаб қаранг, далаларимизда кун сайин кўкка бўй чўзиб шонагашона қўшаётган, гул олаётган ғўзаларнинг серҳосил бўлиши учун ҳозирги кунда замин яратишимиз лозим. Мўл ҳосил етиштириш тўғрисида эл-юртга ваъда берган деҳқон ҳозирги куннинг ҳар бир соатидан ўз ўрнида фойдалансин. Озиқлантириш, суғориш, культивация—буларнинг ҳаммаси пахтакорларнинг ҳозирги кундаги муҳим вазифасидир!

Аввалари бизда «август — мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой» деган гап бўлар эди. Эндиликда бундай дейиш нотўғри бўлади. Ҳамма ишни шу кунларда бажаришимиз, ғўзани озиқлантиришни эрта тугаллаб, барча майдондаги ўсимликни қондириб суғориб, культивацияни сифатли ўтказиб, шу июнь-июль ойларида ҳосилимизни бутлаб олишимиз керак.

Нурмат ота Саитов уста сувчи. У сув тараган ғўзалар гуркираб яшнаяпти. Суратда: Ўржоникидзе районидаги «Маданият» колхозининг миришкор сувчиси Нурмат ота Саитов.
А. Абалян фотоси.

СУҒОРИШДА УСТАЛИК КЕРАК

Ўринбой ИСОҚОВ,
Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозининг сувчиси.

□ □ □

Кунлар исиб кетди. Энди ғўза то шиға-шиға қўсак йиғиб, мўл ҳосил тўплангунча, сувчи уйқуни тарк этиши керак. Биз шундай қиляпмиз. Ҳамма карталарда кўчат текис. Ҳар бир ғўза 7—9 тадан ҳосил шохи чиқариб мўл шона йиғди. Бу шоналарни гулга, гулларни тўқ қўсакларга айлантиришимиз керак.

Биздаги карталар анча нотекис. Бир бўлак ернинг бир томони баланд тепалик бўлса, бир томони чуқур сойлик. Агар сув қуйиш пайтида жуда сергак турмасак ҳар бир эгатни алоҳида кўздан кечириб турмасак кўз очиб юмгунча сув қўллаб кетади. Хўш, бунинг зарари нима? Биринчидан, сув тўпланган жойдаги ғўза эзилиб нимжон бўлиб қолади. Иккинчидан, картанинг кўллаган жойи кеч етилади, кўчат ҳам йўқолади. Шунинг учун бир картанинг ўзида культивацияни бўлиб-бўлиб ўтказишга, баъзан эса кўллаган жой етилгунча культивацияни бошлаб-май туришга тўғри келади.

Кези келганда бир нарсани айтиб қўяй, баъзи сувчилар қулоқларга чим бостиришади. **Битта сувчи мен бўладиган бўлсам, чим бостиришга бутунлай қаршиман. Нимага? Шунинг учунки бунинг иккита зарари бор. Биринчидан, карта четига чим келтиргунча қанчадан-қанча вақт. қанчадан-қанча куч керак. Иккинчидан, агар 5—6 йил чим билан сув тараладиган бўлса, бутун картани чим қоплаб кетади. Бунинг зарари яна ёмон. Энг яхшиси — қоғоз орқали эгатга сув таратиш керак. Бу арзон тушади.** Ахир далада нима кўп-дори қоғози кўп.

Экин қониб сув ичса, ҳосил мўл бўлишини ҳамма билади. Лекин қондириб суғоришнинг ўзи нима? Энг муҳими, ана шу нарсани тушуниш керак. Айрим сувчилар ер бир текисда қорайса ғўзанинг қонгани шу деб ҳисоблайди. Бу тўғри эмас. Юмшоқ тупроқни ярим кунда, ҳатто бундан ҳам камроқ вақтда қорайтириб қўйса бўлади. Гап бунда эмас. Сув юмшоқ тупроққа сингса-ю, қаттиқ ерга нам ўтмаса, ғўза қонмайди. Шунинг учун сувчи бардошли бўлсин, шошилмасин. Керак бўлса бир эгатга уч кечаю-уч кундуз сув оқизсин. Ишқилиб экин қонсин. Бунинг учун нима қилиш керак?

Эгатларга жилдиратиб сув тарайсиз. Шунда бир нарсага кўзқулоқ бўлинг: сув эгатнинг тагидан оқсин. Эгат тўлиб кетиш у ёқда турсин сув ярмидан ошмасин. Бордию, эгатда сув кўпайиб, сал бўлса ҳам юқорига кўтарилганини сезсангиз, қулоқни яна камайтириб қўйинг. Ана шунда қуруқ кесаклар аста-секин увиб, нам юқорига тепа беради.

ТАННАРХ АРЗОН БЎЛСИН

Ж. КЎЧИЕВ,
Сирдарё районидаги «Малик» совхози тракторчи-далачилик бригадасининг бошлиғи, Республикада хизмат кўрсатган механизатор.

□ □ □

Биз бригадамиз бўйича ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш, пахтанинг асосий қисмини машинада териб олишга аҳд қилганмиз. Машина теримини муваффақиятли ўтказиш учун ҳозирдан тайёргарлик кўраяпмиз.

Ўтган йили бригадамизда культивация оз ва соз бўлди, бунинг устига 300 тоннага яқин пахтани машина ёрдамида териб олдик. Мен ўзим «ХВС» бункеридан хирмонга 250 тонна «оқ олтин» тўкдим. Натижада бир центнер пахтанинг таннархи эски пул ҳисобида 80-90 сўмдан ошгани йўқ.

Культивация тўғрисида гапирар эканмиз, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Ғўза парваришини кучайтириш тадбирлари» тўғрисидаги қарорида айтилганидек, қаторларнинг қайта-қайта ишланишига йўл қўймаслигимиз лозим. Сон орқасидан қувиб, ҳаддеб культивацияга зўр берсак, ўсимликнинг илдизи шикастланади, ғўза сийраклашади, оқибатда ҳосил камаяди, энг муҳими — харажат кўпайганлиги учун таннарх қимматлашади.

Биз бу йил бир центнер пахтанинг таннархини 8-9 сўмдан оширмаслик учун ҳамма ишни техника гарданига юклаб, мўл ҳосил етиштириш учун курашаяпмиз.

ЭКИННИ ЁШЛИГИДА ОЗИҚЛАНТИРИНГ

М. АБДУРАСУЛОВ.
Чиноз районидаги «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозининг агрономи

□ □ □

Ер қанчалик тўйдирилса, ҳосил шунчалик мўл бўлади. Буни кўп йиллик тажрибада синаб кўрдик. Лекин ерни тўйдиришда тўйдириш бор. Масалан, ғўза қатор ораларига дори солингач, тезда сув таралмаса у вақтда ерга солинган ўғит қуёш таптида ўз кучини йўқотади, ўсимликка нафи кам тегади. Ўғит ғўза илдизига яқин солинса бунда ҳосият кўп. Ўсимлик озиқадан кўнгилдагидек баҳраманд бўлади, баққуват ўсади, шона ва гуллари кўпайиб мўл ҳосилга пухта замин яратилади.

Эгатлардаги бегона ўт ғўзанинг ашаддий душмани. Шунга кўра ғўзани озиқлантираётганда пайкаллар бегона ўтлардан тозаланган бўлиши керак.

Биз озиқлантиришда ана шуларга амал қилаяпмиз. Ҳозиргача 1268 гектар майдондаги ғўзага биринчи озиқа бериб бўлинди. Фикрет Сифершаев, Отахон Тешабоев, Эркин Тўйчибеков сингари илғор бригадаларда ғўза иккинчи марта озиқлантирилаяпти.

Биз қўй қийи ғўза учун энг яхши озиқа эканлигини яхши биламиз. Шу сабабли ҳам барча майдондаги ғўзаларга етарли миқдорда қўй қийи тайёрладик. Ҳозирнинг ўзидаёқ далада 300 тоннага яқин қўй қийи бор. Буни шарбат қилиб оқизмоқчимиз. Аммиак ғўзани тез шох олдиради, серҳосил бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам биз ҳар бир гектар ерга 180—200 килограммдан аммиак сепаяпмиз.

МАСЛАҲАТЛИ ИШ ЯХШИ

В. СУЛТОНОВ,
Янгийўл районидаги Хрушчев номли колхоз новаторлар кенгашининг аъзоси.

□ □ □

Халқимизнинг бу ҳикматли сўзида бир олам мазмун бор. Ахир деҳқончилик бир-икки кишининг иши эмас. Тажрибакор, ишнинг кўзини биладиган ўртоқлар билан маслаҳатлашиб, бир қарорга келиб иш тутсак янглишмаймиз. Областимизда қишлоқ хўжалиги новаторлари кенгаши тузилиб, жуда оқилона иш қилиниди. Улар ерни экишга сифатли тайёрлаш, ҳар гектар ерда қандай қилиб мўлжалланган миқдорда кўчат сақлаб қолиш, культивацияни, озиқлантириш ва суғоришни қандай ташкил этса фойдали бўлиши борасида қимматли маслаҳатларни бердилар. Бу маслаҳатлар ғўза парваришида давомида деҳқонлар учун жуда қўл келди.

Колхозимизнинг ўзида новаторлар кенгаши ташкил этилганлиги нур устига-нур бўлиб тушди. Кенгаш аъзолари ранг симиз, устоз пахтакор, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ака Турсунқулов бошчилигида 9 кишидан иборат.

Биз чигитни тўла, бир текис ундириб олгач кейинги кенгашимизни далада амалий машғулот билан боғлаб ўтказдик. Моҳир механизаторларимиз ўз шогирдларига ғўзани кўндалангига культивация қилишнинг энг тўғри йўлларини кўрсатиб берди. Бизда 1500 гектар ернинг ҳаммаси икки томонлама ишланиши керак. Шундай бўлгандан кейин ғўза қатор ораларини кўндаланг ига культивация қилишда эҳтиёткорлик керак. Биз эгатларни 35—40 сантиметр кенглиқда, 20—25 сантиметр чуқурликда культивация қилинаётганлигига шу йўл билан эришдик.

Новаторлар кенгаши ҳар бир ишнинг сифатли бўлишига эътиборни кучайтирмоқда. Жамоат инспекторлари ролини ошириб сифатсиз ишни бракка чиқармоқдамиз. Тўғри, илгаридари кўпинча сифатга эмас, сонга қараб механизаторнинг, сувчининг ишига баҳо берилар эди. Энди бўлса сонга эмас, ишнинг сифатига қараб меҳнат қадрланадиган бўлди. Бир мисол айтишим мумкин, ўртоқ Тўрахон Қорашоев бригадасида хизмат қилаётган Алексей Макиев бир неча гектар ерлаги ғўзани сифатсиз культивация қилганлигини аниқладик ва уни ғўза қатор ораларини қайтадан ишлашга мажбур этдик.

Бу йил янги «С 27-47», «Ф 149» нав чигит экиб яхши иш қилдик. Нега деганда бу навлар эртапишар ҳисобланади. Бироқ унинг ҳусусиятини яхши билиб олиш керак эди. Шунинг учун ҳам кенгаш аъзолари йиғилишиб маслаҳатлашдик. Бу нав чигит экилганда ғўзага кўпроқ сув тараш лозим экан. Шунга амал қилдик. Кўпчилик нинг фикри тўғри бўлиб чиқди. Талаб қилган даврда қондириб суғорилаётган ғўзалар гуркираб яшнаяпти, шонасига-шона қўшилаяпти.

Ҳозир ғўза парваришининг ҳал қилувчи долзарб кунлари бошланди. Шуни ҳисобга олган новаторлар кенгаши аъзолари яна бир тўғри фикрни ўртага ташладилар. Бу ҳам бўлса барча колхозчиларнинг далага кўчиб чиқишини ташкил этиш эди. Ёмон бўлгани йўқ. Сувчилар ҳам эндиликда кечасию-кундузи суғоришни кўнгилдагидек ташкил этмоқдалар. Механизаторлар ҳам ишга кечикмай, эрталабки салқинда, қуёшнинг ҳарорати қайтган чоғдан оқшомгача унумли меҳнат қилмоқдалар.

Наватсрлар кенгаши аъзолари озиқлантиришни 5 июлгача тамомлаш масаласини ўртага ташлади лар. Бу жуда тўғри маслаҳат эди. Ёшлигида тўйиб озиқланаётган ғўзалар бақувват бўлиб ўсаяпти.

Биз ўз колхозимизда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида кенгашибгина қолмай, ғўза парвариши даврида оталигимиздаги Энгельс номли колхозга ҳам яқинлан ёрдам бермоқдамиз. Баҳорда колхознинг 150 гектар ерини ҳайдаб бердик. Беда ва маккажўхори уруғидан қарашдик. Шу кеча-кундузда иккита универсалимиз қўшни колхоз ғўзаларини культивация қилишда қатнашаяпти. Бу ҳам новаторлар кенгаши аъзоларининг маслаҳатлари билан амалга оширилаётган тадбирлардан биридир.

Мана шуларнинг ҳаммаси юқори ҳосил етиштириш учун курашда яхши натижалар бермоқда.

Ҳашарот ғўзанинг офати

Шукур НИЁЗОВ,
Бўка районидаги Ильич номли колхозининг бригада бошлиғи.

□ □ □

Биз ҳашаротнинг ини бўлган уватларга ОДН билан бир қатор дори сепиб чиқдик. Карта атрофидаги уватларда учраган зарпечакни йўқотиш учун курашаётирмиз.

Биз Самарқанд областидан келган мусобақадошларимиздан ҳашаротга қарши кураши соҳасида яхши бир тажрибани ўрганиб олиб, ҳозир уни амалга ошираяпмиз. **Бизнинг бригадада 4 та трактор бор. Бу тракторларнинг ҳар бирига самарқандликлар маслаҳати билан 5 тадан олтин гугурт солинган қоп-халтача осиб қўйганмиз. Тракторлар ғўза қатор ораларини культивация қилган вақтда халталарни силкитиб, ҳар туп ғўзага ҳашаротга қарши дори сепиб кетаяпти.**

Ҳашаротга қарши кураш фақат дори сепишдан иборат эмас. Яхши парвариш қилинган ва эркин ривожланаётган ғўза касалга тез чалинмайди. Шунинг учун биз ғўзани вақтида культивация қилиш, унга озиқ бериш ва суғориш тадбирларини ўз вақтида ўтказиш учун курашмоқдамиз.

Аслида бизнинг бригада аъзолари 27 кишидан иборат. Улар бу йил қир ерлардан 70 гектар ўзлаштириб, жами 209 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Бригада аъзоларимизнинг ва механизаторларимизнинг ғайрат кўрсатиб ишлаганлари туфайли ҳозир барча майдондаги ғўзамиз икки марта кўндалангига, икки марта узунасига культивация қилиб чиқилди. Ёвойи ўт деярли йўқотилди, ғўза вақтида озиқлантирилди. Шу туфайли кўп майдондаги ғўзамиз қийғос шоналаб гуллай деб қолди. Баъзи карталардаги ғўзаларда 6—7 тадан шона бор.

Бу — бизнинг аввал баҳордан бери қилиб келаётган ҳалол меҳнатимизнинг самараси. Буни биз ҳашаротга ем қилиб қўймаймиз. Ҳашарот — офат. Офатга қарши кескин курашмоқ керак.

Суратда: Янгийўл районидаги Хрушчев номли колхознинг қишлоқ хўжалиги новаторлари кенгаши аъзоларидан (чапдан) қишлоқ Советининг раиси Н. Бойматов, механик И. Шабултун, колхоз партия комитетининг секретари И. Рашидов, колхоз раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов, механизатор Ч. Хўжаназарова ва агроном К. Комилжонов ўртоқлар пахтазорда навбатдаги кенгашни ўтказмоқдалар.

В. Салов фотоси.

„КЎК ОЛТИН“ГА „ОҚ ОЛТИН“ДЕК ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

(ЛУБКОРЛАРНИНГ ОБЛАСТЬ КЕНГАШИДАН)

Областимиз республиканинг «оқ олтин»га бой зоналаридан бири бўлиши билан бирга у ўзининг Чирчиқ дарёси водисида етиштираётган луб экинлари — «кўк олтин»и билан ҳам машҳурдир. Бизнинг областимиз мамлакатимизни луб маҳсулотлари билан таъминлайдиган асосий базадир. Мана бир мисол. Ўтган йили мамлакатимизнинг луб етиштирувчи ҳамма хўжаликлари 217 минг тонна луб пояси етиштирган бўлса, шундан 213,3 минг тоннаси бизнинг областимизда йиғиб олинди.

Ана шундай катта ютуқларни қўлга киритаётган областимиз лубчилари Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида маслаҳатлашиб олиш, тажриба алмашиш ва муҳим тадбирлар белгилаш мақсадида 14 июнь куни область партия комитетининг мажлислар залига йиғилдилар.

Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. А. Абдураззоқов** очди. Доклад учун биринчи сўз Қуйи Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **И. С. Сотволдиев**га берилди.

— Қуйи Чирчиқ район қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, — деди докладчи, — партиямизнинг XXI съезди қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари белгилаб берган тадбирларга амал қилиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида бир қатор ютуқларга эришдилар. Ўтган йили район колхозлари ва «Коммунизм» совхози давлатга 113,8 минг тонна каноп пояси етказиб берди. Бир йилнинг ўзида ҳосилдорлик гектар бошига 20 центнерданга ошди.

Бу йил, — сўзида давом этди докладчи, — 12 минг 170 гектар ерда каноп пояси, 2.500 гектар ерда каноп уруғлиги етиштирмоқдамиз. Ўсимликнинг ривожи чакки эмас. Бу деган сўз юқори ҳосил етиштиришда бор имкониятларнинг ҳаммасидан тўлик фойдаланилаяпти деган сўз эмас. Ҳали ишга солинмаган жуда кўп ички резервларимиз бор. Ана шулардан асосийси қолоқ бригадаларни илғор бригадалар даражасига етказиб олишдир. Ўтган йили район бўйича гектаридан олинган ҳосил 93 центнерданни ташкил этган бўлса ҳам, «Гулистон» колхозида гектаридан олинган ҳосил 45, «Коммунизм» совхозида эса 51 центнерданга зўрга етди.

Ана шундай аҳвол бу йил ҳам давом этмоқда. Луб экинлари парвариши хўжаликларимизнинг ҳаммасида ҳам бир хилда эмас. 2.778 гектар ердаги ўсимлик ҳали сув ичгани йўқ. 1382 гектар майдон ўтдан тозалаб олинган эмас. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, — деди ўртоқ Сотволдиев, — лубчилар етарли миқдорда минерал ўғитлар билан таъминланмаётирлар. Шунингдек олимларимиз, конструкторларимиз лубчилар олдида қаҳ қарздорлар. Улар қўл меҳнатини камайтиришни назарда тутиб, луб экиларини ўрадиган, поясини шиладиган, уруғликни янчадиган мукаммал машиналар яратиш устида иш олиб боришлари керак.

Ўртоқ Сотволдиев ўз сўзининг охирида кенгаш қатнашчиларини ишонтириб айтдики, район меҳнаткашлари Коммунистик партиямизнинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун курашадилар. Мамлакатга 115 минг тонна каноп ҳосили етказиб бериш учун ҳормай-толмай меҳнат қиладилар.

— Юқори Чирчиқ райони колхозларининг муваффақиятлари даставвал луб маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўлида олиб бораётган курашлари билан характерланди, — деди ўз докладида район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. М. Ким**, — ўтган йили, — деди у, — пландаги 60 минг тонна ўрнига 95 минг тонна луб пояси етказиб бериш мажбуриятини олган эдик. Бу мажбурият ортиғи билан бажарилди. Давлатга 99 минг 868 тонна, яъни, 1959 йилга нисбатан 17 минг 800 тонна кўп ҳосил сотилди.

Айниқса «Политотдел», Свердлов номли, «Правда» колхози аъзолари ўтган йили жуда илгарига қараб кетдилар. Рекорд ҳосил олишга эришдилар. «Политотдел» колхози (раиси Хван Ман Гим, бошланғич партия ташкилотининг секретари Ким Сан Фир, агроном Пак Андрей ўртоқлар) аъзолари эришган муваффақиятлар мақтовга лойиқдир. Бу колхозда 1.224 гектар ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 202 центнердан каноп ҳосили олинди. Бу икки йиллик план миқдорида тенг келади.

— Кўп йиллардан бери, — деб алоҳида қайд қилиб ўтди докладчи, — колхозларда уруғлик каноп етиштиришга кам эътибор бериб келинарди. Кейинги икки йилдан бери эса колхоз раҳбарлари уруғлик каноп етиштиришнинг моҳиятига тушундилар. 1960 йилда планда белгиланган 610 тонна ўрнига 665 тонна каноп уруғи олинди.

— Бу йил, — деди ўртоқ Ким сўзида давом этиб, — район колхозлари 7 минг 357 гектар ерда луб ўсимликлари ўстирмоқдалар. Барча колхозларда ўсимликлар бир текис ундириб олинганидан кейин қатор ораларини сифатли ишлаш кучайтириб юборилди. Худди аввалги йиллардагидек бу йил ҳам Свердлов номли колхознинг Александр Ни ва Ким Ден Нак ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари аъзолари юқори ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. «Правда» колхозидан Ким Чун Ок, «Политотдел» колхозидан Пак Си Гир, Свердлов номли колхоздан А. Комилжонов, Ким До Хен, «Ленинский путь» колхозидан Цой Сан Дю ва Михаил Ли, «Политотдел» колхозидан Цой Дя Сен ва Сергей Квон, «Ўзбекистон» колхозидан Ан Вон Сун ва Тхай Нам Гир, «Правда» колхозидан Николай Хон ва Ан Ге Хун ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам луб экинлари парвариши яхши бормоқда.

Бироқ бир қатор хўжаликларда луб экинларини парвариш қилиш талабга жавоб бера олмайди. Айниқса «Ленинский путь» ва «Ўзбекистон» колхозлари бу соҳада оқсамоқдалар. Бу хўжаликларда биринчи озиқлантириш эндигина ярим майдонда ўтказилди. Ваҳоланки илғор хўжаликларда иккинчи озиқлантириш тамомланиш арафасида турибди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, техникани йиғим-теримга тахт қилиб қўйиш ҳам кечикяпти. 211 та НП-9 машинасидан фақат 143 таси тайёрланди.

Луб маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш соҳасида, — деди докладчи, — жут-каноп заводлари зиммасига ҳам кўп вазифалар юкланади. Ўтган йили районимиздаги ҳамма заводлар маҳсулот тайёрлаш ва тола ишлаб чиқариш юзасидан берилган топшириқларни ортиғи билан бажардилар. Ҳали бу етарли эмас, каноп-жут заводларининг раҳбарлари ва ходимлари колхозларга чиқиб мўл ҳосил етиштириш йўлидаги курашда лубчиларга яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Каноп-жут заводларининг коллективлари янги ҳосилни қабул қилиб олиш учун ҳозирданоқ тайёргарлик кўришлари керак. 1 августдан кечикмасдан ремонт ишларини тугаллаш, тарози, ўтга қарши кураш асбоб-ускуналари тартибга солиниши керак.

Докладчи ўз сўзининг охирида район меҳнаткашлари номидан бу йил давлатга 105 минг тонна луб ҳосили етказиб берамиз, деб социалистик мажбурият олди.

Докладлардан сўнг қизғин муҳокаралар бошланди. Биринчи бўлиб Юқори Чирчиқ районидаги машҳур «Политотдел» колхозининг раиси **Хван Ман Гим** сўзга чиқди.

— Бир неча йиллар илгари, — алоҳида таъкидлаб ўтди у, — ҳали план бўйича гектаридан 35—40 центнердан ҳосил етиштирилаётган бир пайтда биз учун ўғит беришнинг аниқ миқдори белгиланиб қўйилган эди. Энди бўлса ҳосилдорлик гектар бошига 150 центнерданга кўтарилган бўлса-ю, берилаётган минерал ўғитлар нормаси камайтирилишига қандай баҳо бериш керак? Область ташкилотлари бу масалани чуқур ўрганиб ҳал қилишлари ва бизга ёрдам беришлари керак.

Ҳозир бизга асосан, — сўзида давом этди Хван Ман Гим, — «Кубанск-333» навли уруғлик экмоқдамиз. Тўғри, бу сорт ёмон эмас. Юқори ҳосилли. Бироқ бу бизда ягона уруғ. Вақтлар келарки, бу уруғ бизни қаноатлантирмай қолар. Шунинг учун ҳам селекционерларимиз Кубанск уруғи ўрнига янги, юқори ҳосилли уруғларни топишлари керак.

Минбарга Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхозининг директори ўртоқ **В. В. Азизов** кўтарилди.

— Ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, — деди у, — совхозимиз коллективи юқори ҳосил етиштириш йўлида астойдил курашмоқдалар. Бироқ совхоз трактор ва бошқа хўжалик учун зарур техникага муҳтож. Бу соҳада тезда ёрдам берилишини илтимос қиламиз.

Шундан кейин сўзга чиққан Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг раиси ўртоқ **Д. А. Ким** колхоз аъзолари номидан 1961 йилда ялпи ҳосилни 26 минг тоннага етказамиз. Бу мажбуриятни ортиғи билан бажарамиз, деб ваъда берди.

Кенгаш қатнашчилари Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи ўртоқ **Валентин Ким**нинг сўзларини зўр қизиқиш билан тингладилар. Валентин Ким бошлиқ бригада аъзолари 77 гектар ернинг ҳар гектаридан 205 центнердан каноп пояси етиштириш мажбуриятини олган эдилар.

— Эндиликда биз, — деди ўз сўзида ўртоқ Валентин Ким, — жонажон партиямизнинг XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида янги мажбурият олдик. Гектаридан 210 центнердан каноп пояси етиштиришга аҳд қилдик. Бунинг учун бизда етарли имконият бор.

— Бу йил, — деди СоюзНИХИнинг техника фанлари бўйича старший илмий ходими, Сталин мукофотининг лауреати **Г. А. Переверзев**, — мутахассислар лубчиларга қатор қимматли маслаҳатларни бердилар. Бундан кейин ҳам ўзимизнинг амалий ёрдамларимиз билан ҳар иккала районда юқори ҳосил етиштириш ишига ҳиссамизни қўшамиз.

Минбарда Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг бригадири ўртоқ **Николай Хон**.

— Бу йил бригадамиз аъзолари жонажон партиямизнинг XXII съездини муносиб кутиб олиш мақсадида коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олиш учун курашмоқдалар. Биз бунга албатта эришамиз. 134 гектар ерда каноп, 35 гектар ерда маккажўхори етиштирмоқдамиз. Ҳар гектар ердан 220 центнердан каноп пояси, 1850 центнердан маккажўхори қўкпояси етиштирамиз, деб юксак мажбурият олганмиз. Бу аҳдимизнинг уддасидан албатта чиқамиз.

— Бизда 134 гектар ерга луб экилган, — дейди Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ **Саримсоқов**, — ҳар гектар ердан 200 центнердан пол олиш тўғрисида сўз берганмиз. Ўсимлик меҳр билан парвариш қилинаяпти. Ҳозиргача иккинчи комплекс парвариш тугалланди. Шу кунларда ўсимликнинг бўйи бир метрга етиб қолди.

Музокарада сўзга чиққан Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхознинг раиси **И. Н. Кан** колхозда фойдаланилмаётган резервларнинг ишга солиниши, қолоқ бригадаларни илғор бригадалар даражасига кўтариш соҳасида қилинаётган ишлари тўғрисида гапириб берди.

— Илгари биз 21 минг тонна каноп пояси етиштириш мажбуриятини олган эдик, — деди ўртоқ Кан, — эндиликда ўз имкониятларимизни қайта ҳисоблаб чиқиб, 25 минг тонна каноп пояси сотишимиз мумкин, деган қатъий қарорга келдик. Бу бизнинг партия XXII съездига совғамиз бўлади.

— Ўтган йили хўжалигимиз эришган ютуқлари билан мақтана олмади, — дейди Қуйи Чирчиқ районидаги Сталин номли колхознинг раиси ўртоқ **Д. Сафаров**, — йўл қўйган камчиликларимиз учун бизни ҳаққоний танқид қилишди. Бу танқидлардан биз тегишли хулосалар чиқариб олдик. Энг муҳими — меҳнат интизоми мустаҳкамланди, моддий манфаатдорлик принципига қатъий риоя қилмоқдамиз. Ишимиз олга босди.

Зарпечак луб экиларининг ашаддий душмани. Унга қарши кураш биринчи даражали аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам кенгаш қатнашчилари Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг бригадири **Цой Сан Дюн**нинг ўз хўжалигида бу ўтга қарши қандай кураш олиб бораётганлиги тўғрисидаги гапларини диққат билан тингладилар.

— Биз, — деди у, — зарпечакка қарши икки марта курашдик. Ерни яхшилаб чопиб, бороналадик, экишга тайёргарлик юзасидан нимаики зарур бўлса ҳаммасини тахт қилдик, бироқ экишни ўтказмадик. Зарпечак яна пайдо бўлганида ер қайтадан ҳайдалди. Шундай қилиб биз бу ўтни йўқотишга эришдик.

Кенгаш юксак ишчанлик вазиятда ўтди. У катта тажриба мактаби бўлди. «Оқ олтин»га қандай муносабатда бўлсак, каноп ва луб ҳам шундай муносабатда бўлайлик — ҳар бир кишининг нутқида ана шу фикрлар асосий ўринни эгаллади. Бироқ шуни айтиб ўтиш керакки, дейишди музокарада сўзлаганлар, матбуот, радио ва телевидение лубкорларга жуда кам эътибор беради.

Кенгашда область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов** сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** қатнашди ва нутқ сўзлади.

Мажлис охирида кенгаш қатнашчилари областдаги барча лубкорларга қарата мурожаат қабул қилдилар.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ДОНГДОР ЛУБКОРЛАРИ

Ўртоқ ЦОЙ САН-ДЮН — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг бригадири.



Ўртоқ Шербой ХАТАМОВ — Қуйи Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг сувчиси.

Ўртоқ Полина ШИН — Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг бригадири.

Ўртоқ Турсуной ҚУРОЛОВА — Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхозининг бригадири.

———☆ ☆———

Суратда: илғор лубчиларнинг область кенгаши залида. (Чапда) Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхознинг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи ўртоқ Валентин Ким кенгаш қатнашчиларига ўз тажрибаларини сўзлаб бермоқда. М. Комлев фотолари.

Колхозда сувдан фойдаланиш плани

(ГУЛИСТОН РАЙОНИДАГИ «ОКТЯБРЬ» КОЛХОЗИНИНГ ТАЖРИБАСИДАН)

<>

1961 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун деҳқончилик маданиятини ошириш, агротехника савиясини янада яхшилаш ва биринчи навбатда суғоришда зарур тартиб ўрнатиш керак. Ҳосилдорликни янада оширишнинг асосий резервлари худди мана шулардир.

Суғориш ишини яхшилаш учун энг биринчи навбатда пухта ўйлаб тузилган план бўлиши лозим, бу планда сув ресурслари ва моддий-техника воситаларидан рационал фойдаланиш ҳамда суғоришни ва экинларга ишлов беришни энг яхши агротехника муддатларда ўтказиш кўзда тутилади. Бу йилги шароитда сувнинг камлиги ҳаммага маълум. Ана шунинг учун ҳам суғоришни тўғри ташкил этиш ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Гулистон районидаги «Октябрь» колхози — районнинг тажрибанамуна хўжалиги ана шуни ҳисобга олиб ҳар бир бригада бўйича сувдан фойдаланишнинг планларини тузиб чиқди. Планни тузишда мутахассислар ва хўжаликнинг тупроқ шароитини яхши биладиган энг яхши тажрибакорлар иштирок этдилар.

Колхознинг қишлоқ хўжалик оборотида 2147 гектар ер бор. Бу ерлар Киров магистрал каналининг ўнг ва чап томонларида жойлашган.

«Октябрь» колхози пахта — беда алмашлаб экишни ўзлаштиришга киришди. Янги бедазор ва маккажўхоризорлар ўтиш даврининг ротациясига мувофиқ яхлит майдонларда барпо этилди.

«Октябрь» колхозининг ерлари кулранг, ўтлоқ тупроқдан, механик таркиби енгил ва ўрта даражада бўлган турли даражада шўрланган ерлардан иборат. Сизот сувларининг чуқурлик даражаси ҳам ҳар хил. Асосий территорияларнинг сизот сувлари чуқурлиги 2—3 метргача, баъзи бир участкаларда эса масалан, 10—12-бригадаларнинг баъзи бир участкаларда 4. ҳамда 11-бригадаларда сизот сувларининг чуқурлиги 1—2 метргача боради.

Колхоз территорияси 5-гидромодуль районга киради. Шунинг учун ҳам сувдан фойдаланиш плани тузилаётганида суғоришнинг қуйидагича режима қабул этилди:

Экин	Суғоришнинг сони	Сув тарқатиш нормаси	Суғориш нормаси	Суғориш даври
Пахта	4—5	3900—4500	700—1000	10/V—31/VIII
Беда	5	7500	1500	10/IV—15/IX
Маккажўхори	4	3700	900—1000	26/V—30/VII
Сабзавот ва полиз экинлари	4	4000	900—1100	1/VI—9/IX
Боғлар, токзорлар	3	3500	1100—1200	25/IV—25/VII

Томорқа участкалар — ҳар гектарига гидромодули бўйича сувнинг оқими секундига 0,3 кубометр бўлиши керак. 1/IV—30/IX

Бу йилнинг алоҳида хусусиятлари ҳисобга олиниб, беда ва маккажўхорига сув нормасини бирмунча кўпайтириш кўзда тутилган, ҳамда ҳароратнинг юқорилиги ва баҳорнинг қуруқ келганлиги ҳисобга олиниб суғоришни бирмунча эрта бошлаш кўзда тутилди.

Колхозда ғўза, маккажўхори ва бошқа қайдаладиган экинлар бекик эгатлар орқали найча ёки резинка шланглар қўлланилиб, суғорилади, беданга бостириб сув қўйилади. Суғоришнинг қабул қилинган техникасига мувофиқ суғориш ва сув қўйишнинг нормалари белгиланган.

Пахта ва бошқа экинларнинг гидромодул район шароити бўйича суғориш режимига мувофиқ колхозда ҳар ўн кунда суғоришни ўтказишнинг графиклари ишлаб чиқилган (Экин майдонларига нисбатан процент ҳисобида).

Экин	Суғориш сони	Апрель I	Апрель II	Апрель III	Май I	Май II	Май III	Июнь I	Июнь II	Июнь III
Пахта	1	—	—		19,2	49,3	31,5	45,5	45,5	
	2									
	3									
	4									
	5									
Беда	1	28,2	29,4	29,4	3,0	—	—	—		
	2				33,3	33,3	33,4	—		
	3							35,7		
	4									
	5									
Полиз экинлари						32,2	32,3	32,3		
Боғлар	—	19,3	32,3	32,3	36,1	33,3	33,3	32,7		
Маккажўхори	4					54,5	45,5	1		
Томорқа участкалар		150	50	50	50	50	50	50		

Экин	Суғориш сони	Июль I	Июль II	Июль III	Август I	Август II	Август III	Сентябрь I	Сентябрь II	Сентябрь III
Пахта	1									
	2	9,0								
	3	42,1	52,7	5,2						
	4			55,5	44,5					
	5				8,7	43,5	47,8			
Беда	3	35,7	28,6							
	4		7,2	39,3	35,7	17,8				
	5			16,1	35,5	32,3		16,1	—	
Полиз экинлари		42,3	43,5	47,8	43,5	42,8	45,8	37,5	—	—
Боғлар		32,3	32,3	16,1						
Маккажўхори	4	66,7	33,3	66,7	33,3					
Томорқа участкалар		50	50	50	50	50	50	50	50	50

Ана шу графикка мувофиқ ҳар бир бригада бўйича экинларни суғоришнинг топшириқ планлари тузилиб чиқди. Бу топшириқларда тупроқ шароитини ҳисобга олиб суғоришни табақалаштириб ўтказиш акс эттирилган. Суғоришнинг ҳажми ва уни ўтказиш муддатлари аниқланиб, колхозда ҳар бир бригада бўйича ва ички хўжалик каналлари орқали сарфланадиган сувнинг миқдори аниқлаб чиқилди, бунда каналларнинг сув ўтказиш қуввати ҳам ҳисобга олинди.

Суғоришга қанча сув кетишини тўғри аниқлаш учун сувнинг миқдорини ҳисобга олишнинг ўзи кифоя қилмайди, шу билан бирга суғориш тармоғи орқали сув оқиб келаётганда унинг йўл-йўлакай камайишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Сувнинг сарфланиши ҳисобланаётганида «нетто» ва «брутто» тушунчаларидан фойдаланилади. Нетто — далага қўйиладиган сувнинг сарф бўлиши демакдир. Бироқ юқорида айтиб ўтилганидек, сувнинг йўл-йўлакай камайиши натижасида ариқларга қўйиладиган сувнинг нормаси бирмунча кўп бўлиши лозим ва бу норма неттони каналнинг фойдаланиш коэффициентига тақсимланиши туфайли аниқланади.

Бригадалар бўйича харажатларни жамлаб колхоз бўйича ҳар бир канал бўйлаб бутун вегетация даврида қанча сув сарф бўлиши планини билиб оламиз.

Иш бригадалар бўйича тузилган ҳамма маълумотларни ўз ичига олган табель тузиш билан тугалланди. Ана шу табелда сувни сарфлаш. (брутто) барча экинларни, шу жумладан ҳар бир гектар ердаги ғўзани суғориш планлари акс эттирилган. Қўйиладиган сувнинг ҳар бир кубометрининг суғориш қобилиятини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Суғориш сифатини аниқлаш катта аҳамиятга эгадир. Чунки у ҳар бир бригада бўйича сувни тўғри тақсимлаш ва ундан фойдаланишни контроль қилиб бориш имкониятини беради.

Сувнинг суғориш қобилияти суғориладиган майдонни қўйиладиган сув кубометри миқдорига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Амалда суғорилган ерлар ва суғориш қувватини ҳисоблаб чиқиш натижасида олинган маълумотлар ўртасида катта фарқ бўлса бу сувдан рационал фойдаланилмаганини кўрсатади.

Колхознинг 8-бригадасида суғоришнинг табели қуйидагичадир:

	Апрель I	Апрель II	Апрель III	Май I	Май II	Май III	Июнь I	Июнь II	Июнь III
Брутто		4	11	11	47	82	95	100	121
суғориш плани, шу жумладан	—	1	4	5	27	55	64	72	86
ғўза	—	—	—	—	23	50	47	54	55
суғориш қуввати	—	25	36	45	57	67	67	72	71

	Июль I	Июль II	Июль III	Август I	Август II	Август III	Сентябрь I	Сентябрь II	Сентябрь III
Брутто	132	135	131	94	66	50	8	4	—
суғориш плани, шу жумладан	82	78	94	79	56	61	5	2	—
ғўза	61	64	72	65	52	57	—	—	—
суғориш қуввати	63	58	72	84	85	122	60	50	—

Ҳар 10 кунда сувдан фойдаланиш планига тузатиш ва аниқликлар киритиб турилади. Ўн кунликнинг бошланишига 2—3 кун қолганда колхоз агрономи бригадир билан биргаликда суғориладиган участкани белгилайди ва бригадага керакли бўлган сувнинг миқдори аниқланади. Бунда тупроқнинг ҳолати ва умуман хўжалик бўйича сув ресурслари ҳисобга олинади. Шундан сўнг суғоришни ўтказишнинг оператив графиги тузиб чиқилади.

Ҳар бир далачилик бригадаси учун тузиладиган графикларда экинлари суғориладиган майдонлар ва сув келадиган ариқлар кўрсатилади. Шундан сўнг графикка ҳар бир экиннинг суғорилиш календар муддатлари, эгат олиниб суғориш ва узунасига ҳамда кўндалангига культивация ўтказиш муддатлари киритилади. Масалан, июннинг учинчи ўн кунлигида 8-бригадада 23 гектар ғўза ва 4 гектар беданн суғориш мўлжалланган. Суғоришни ўтказиш учун бригада секундига узуликсиз 37 литрдан сув олиб туради. Участкалардаги ғўзаларни суғориш ҳар хил муддатларда план ва графикларга мувофиқ ўтказилади. Суғоришдан сўнг ана шундай тартиб билан узунасига ва кўндалангига культивация ўтказилади.

Сувдан фойдаланиш плани тузилаётганида колхоз бригадаларо сув оборотини йўлга қўйишни мўлжалламаган, сабаби бригадалар йирик-йирик (ҳар бирининг пахта майдони 100 гектардан ошади), хўжалик учун етарли миқдорда сув олиниб турилади.

Планни тузиш — ишнинг бошланишидир. Бу планни амалга ошириш учун зарур тадбирларни белгилаш лозим.

Колхозда план тузилганида сувчилар сони хўжалик бўйича суғоришни 16-18 кун ичида, ҳар бир дала бўйича эса 2-3 кун ичида тугаллашни таъминлаш ҳисобга олиниб белгиланади. Бу тадбир чопиқ тракторлардан тўғри фойдаланиш, культивацияни юқори сифатли ўтказиш имкониятини беради. Колхозда 90 сувчи танланган. Кечаси суғориш учун навбатма-навбат иш олиб борадиган сувчилар ажратилган. Колхоз мутахассислари сувчиларга зарур кўрсатмалар бердилар, уларга суғоришнинг техникасини ўргатдилар.

Меҳнат кунлари нормаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш системаси ишлаб чиқилди. Биринчи суғоришда кундуз куни норма 0,75 кечаси эса 0,50 гектардан белгиланди. Кейинги суғоришларда эса суғориш нормаси кундуз кунлари бир гектаргача, кечалари эса 0,75 гектаргача кўпайтирилади.

Энг сўнгги суғоришда суғориш нормаси 1,25 ва бир гектар қилиб белгиланади. Бу суғориш культивация билан бир йўла олинган эгатлар орқали ўтказилади.

Нормани бажарганликлари учун сувчилар иккитадан меҳнат куни оладилар ва ортиғи билан бажарганликлари учун эса қўшимча 0,4 меҳнат куни ёзилади.

Колхоз правлениеси сувчиларнинг юқори унумли ишлаши учун ҳамма тадбирларни кўрадилар.

Колхозда суғоришнинг сифати устидан қатъий контроллик ўрнатилган. Суғоришнинг сифатини жамоатчи сифат инспекторлари текшириб борадилар. Бажарилган иш уларнинг иштирокида бригадирлар ва агрономлар томонидан қабул қилиб олинади.

Сувдан фойдаланиш планининг агротехника комплекси тадбирлари билан боғлиқ ҳолда қатъий амалга оширилиши мўл ҳосил олиш ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг гаровидир.

А. БРУХТИН,
«Октябрь» колхозининг раиси.

Г. СУТЮШЕВ,
колхознинг бош агрономи.

М. ПОЛЕНОВА.
СоюзНИХИ аспиранти.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКАЛАРАРО СЕМИНАРИ

14 июнда Тошкентда қишлоқ хўжалик темаларида ёзадиган журналистларнинг Республикаларо ижодий семинари ўз ишини бошлади.

СССР Журналистлар союзи правлениеси томонидан ўтказилаётган бу семинарда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Киргизистондаги, шунингдек Қозоғистоннинг бир қанча областларидаги республика ва область газеталарининг қишлоқ хўжалик бўлимлари мудирлари ва бошқа етакчи ходимлари, район ва районлараро газеталарнинг редакторлари иштирок этмоқда.

Биринчи машғулотда КПСС Марказий Комитетининг иттифоқчи республикалар бўйича қишлоқ хўжалик бўлимининг сектор мудири В. Н. Стоцкий «КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари ва матбуотнинг вазифалари «тўғрисида» доклад қилди.

Шунингдек, «Матбуотнинг пахтачиликни комплекс механизациялаш ва миллий механизатор кадрларини етиштириш учун кураши тўғрисида» «Правда Востока» газетаси редакциясининг қишлоқ хўжалик бўлими мудири М. Я. Захаровнинг, «Матбуот чорвачиликни юксалтириш учун курашда» деган темада, «Социалистик Қозоғистон» республика газетаси редакторининг ўринбосари К. С. Абилхонов ва «Советик Киргизистони» республика газетаси қишлоқ хўжалик бўлими мудири Б. Осмоновнинг докладлари ҳам тингланди.

Семинар тўрт кун давом қилади.

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТУФАЙЛИ

Тошкент трактор йигув заводининг коллективи қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, уларнинг иш кўрсаткичларини яхшилаш учун муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Корхона янада кенгайтирилаётир. Унинг 5800 квадрат метр сатҳга эга бўлган йирик корпуси қурилмоқда. Бу ерда асбобсозлик ремонт-механика ҳамда механизация цехлари жойлаштирилади. Корпус фойдаланишга топширилиши билан корхона бошқа заводлардан трактор ва шассилар учун запас қисмлар олмайдиган бўлади.

Ўзиюрар шассилар йигув цехида конвейер ишлайбошлади. Машина ва деталларни мойлаш механизациялашди. Бунинг учун иккита камера фойдаланишга топширилди.

5-механика йигув цехида эса қуйилмаларни иш жойига етказиб берадиган конвейерни монтаж қилиш тугалланмоқда. Бундан ташқари, деталь чиқиндиларини ташқарига чиқариб ташловчи 60 метрли транспортёр яқин кунларда ишга туширилади. **М. ЗАРИПОВ.**





Юқори Чирчиқ районида қад кўтараётган янги-янги бинолар бу ернинг қиёфасини кўркамлаштириб юбормоқда. Суратда: (чапда) «Правда» қишлоқ хўжалик артелида колхозчиларнинг фарзандлари учун яқинда қуриб берилган 250 ўринлик болалар яслиси ва (ўнгда) «Ленинский путь» колхози правлениесининг янги биноси. М. Шеведев фотолари.

ТОШКЕНТНИНГ ТАНОША ЖОЙЛАРИДА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/VI да Кармен, 17/VI да **Сўнаҳамза** НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 16/VI да **Ганг дарёсининг қизи.**

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Довюрак — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 ва кеч 10 да).

Алёшканинг севгиси — «ВАТАН», «МИР», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим ва кеч 6-50 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч 5 дан), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Она меҳри — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Олий принцип — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Асфальт тугаган жойда — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 10 да) «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч 5 гача).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Ўгай она — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 9-15 ва 10-45 минутда).

Стублен липа дарахтлари — «ВАТАН» (кеч соат 9-15 ва 10-45 минутда).

Алёшканинг севгиси — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 9 ва 10-50 минутда) КАФАНОВ номли (кеч 9 да), ТЕЛЬМАН номли (кеч 10-40 минутда).

Асфальт тугаган жойда — НАВОИЙ номли (кеч соат 9-10 ва 10-50 минутда), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 11 да), ПУШКИН номли (кеч 9 да), «УДАРНИК» (кеч 9 ва 11 да).

Эҳтиёт бўлинг, буви — КАФАНОВ номли (кеч соат 11 да).

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 9 да).

Репитиция давом этмоқда — «ПОБЕДА» (кеч соат 9 ва 11 да).

ГЕНЕРАЛ НАСУТИОН МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

МОСКВА, 14 июнь. (ТАСС). Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Миллий хавфсизлик министри, Индонезия армияси штабининг бошлиғи генерал Насутион рафиқаси билан ҳамда унга ҳамроҳ бўлиб келган бригада генерали Сарбини ва бошқалар Совет Иттифоқи бўйлаб қилган сафардан бугун Москвага қайтиб келдилар.

Генерал Насутион ва унинг ҳамроҳлари Сталинградда, Ленинградда, Тошкентда, Самарқандда, Симферополда ва Қримнинг жанубий қирғоғида бўлдилар. Дўстона Индонезиядан келган меҳмонлар бўлган ҳамма жойда совет кишилари уларни самимий шодиёна кутиб олдилар.

Генерал Насутионнинг мамлакат бўйлаб қилган сафарида унга ҳамроҳ бўлган армия генерали П. И. Батов ва Совет Иттифоқининг Индонезия Республикасидаги ҳарбий атташеси полковник М. А. Шитиковлар ҳам Москвага қайтиб келдилар.

Адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари комитетидан

Адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари комитети 1962 йилги Ленин мукофотларини олиш учун ишлар (асарлар) қабул қилишни давом эттирмоқда.

1962 йилги Ленин мукофотларини олишга адабиёт, санъат журналистика ва публицистиканинг 1961 йил 15 июндан кечиктирмай босиб чиқарилган, оммага кўрсатилган ёки ижро килинган асарларни тақдим этилиши мумкин.

Ишларни Ленин мукофотларага тақдим қилиш ёзувчилар, журналистлар, композиторлар, рассомлар, кинематография ходимлари союзларининг правлениелари, ВЦСПС Президиуми, СССР ва иттифоқчи республикалар министрликларининг коллегиялари, СССР Бадиий академияси, республика театр жамиятлари, илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, газета ва журналларнинг редколлегиялари, меҳнаткашларнинг йиғилишлари томонидан амалга оширилади.

Ишлар 1961 йил 1 декабрга қадар қабул қилинади.

Ана шу муддатдан кейин комитетга юборилган барча ишлар 1963 йилги Ленин мукофотларини олишга кўрсатилган номзодларни муҳокама қилиш вақтида қараб чиқилади. Шу муносабат билан Ленин мукофотлари комитети совет жамоатчилигига мурожаат қилиб, энг кўзга кўринган асарларни кенг муҳокама қилишни ва уларни 1962 йилги Ленин мукофотлари олишга тақдим этишни бу ишни охирги муҳлетга қолдирмай ташкил этишни илтимос қилади. Номзодларнинг барвақт ва чуқур ўйлаб кўриб кўрсатилиши тақдим қилинган ишларни ҳар тарафлама ўрганишда комитетга ёрдам беради бу номзодларни белгиланган муддатда умумхалқ муҳокамасига тақдим этиш имкониятини туғдиради.

Ленин мукофотлари бериш тўғрисидаги таклифлар, тақдим этилаётган ишлар тўғрисидаги фикрлар, шунингдек, материалларни расмийлаштиришга тааллуқли барча саволлар қуйидаги адресга юборилсин: Москва №—51, Неглинная кўчаси 15-уй, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари комитети.

9 ИЮЛЬ—СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

1961 йилда умумхалқ традицион байрами — СССР Ҳаво флоти кунини 9 июлда ўтказиш белгиланди.

СССР Ҳаво флоти куни шарафига Москвада Тушино аэродромида ҳаво паради бўлади.

Халқаро аҳвол

ПЕКИНДА СУКАРНО ШАРАФИГА ОММАВИЙ МИТИНГ

ПЕКИН, 14 июнь. (ТАСС). Индонезия Республикаси президенти ва бош министри Сукарнонинг Пекинда бўлиши муносабати билан бугун Пекинда шаҳарнинг энг катта «Гунжэнь» стадионида оммавий митинг бўлди. Митингга 100 мингдан ортиқ киши тўпланди. Доктор Сукарно ва унинг ҳамроҳлари, Хитой Халқ Республикасининг Раиси Лю Шао-ци ва Хитой Халқ Республикасининг бошқа раҳбарлари ҳозир бўлдилар. Шаҳар меҳнаткашлари ва бутун хитой халқи номидан Пекин халқ комитетининг раиси Пин Чжэнь Индонезия давлатининг бошлиғини табриклади. Митингда Сукарно нутқ сўзлади. Ҳозир бўлган кишилар уни самимий кутиб олдилар.

ВАШИНГТОНДА АМЕРИКА—ИТАЛИЯ МУЗОКАРАЛАРИ ТАМОМ БЎЛДИ

ВАШИНГТОН, 14 июнь. (ТАСС). Бу ерда АҚШ президенти Кеннеди билан Италия бош министри Фанфани ўртасидаги музокаралар тамом бўлди. Музокаралар тамом бўлганидан сўнг эълон қилинган қўшма ахборотда АҚШ президенти билан Италия бош министри ҳар иккала мамлакат ҳукуматларини қизиқтириб турган кенг кўламдаги халқаро проблема ва масалалар юзасидан икки кун маслаҳат ўтказдилар. «Президент Кеннеди,— дейилади ахборотда,— бош министр Хрушчев билан яқинда Венада олиб борган суҳбатларининг тафсилотини бош министрга маълум қилди. Улар энг муҳим масалалар бўйича, жумладан, Берлин масаласи ва қуролсизланиш проблемаси бўйича ҳам фикр олишдилар».

«Тегишли гарантиялар бўлгани ҳолда қуролсизланиш тўғрисида амалий битимга эришиш мақсадида халқаро миқёсда куч-ғайрат сарфлашни давом эттиришга» музокара қатнашчиларининг тайёр эканликлари ахборотда айтиб ўтилади. Шу билан бирга ахборотда «эркинлик ишига коммунизмнинг қаршилиги бўшашмаётганлиги» ҳақидаги сийқаси чиққан даъволар такрорланади, ана шу «қаршилик» олдида «Ғарб бирдамлигини мустаҳкамлашга» даъват қилинади. Шу муносабат билан НАТО агрессив пактини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилади.

Носаванчи сержантнинг эътироф этиб айтган гаплари

ХАНОЙ, 14 июнь. (ТАСС). Вьетнам информацион агентлигининг «Лаос овози» радиосининг ахборотига таянган ҳолда бир сержанти сўнгги вақтларда Саваннакет гуруҳи ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги битимни Падонг районида кўплаб бузаётганлигига доир ҳоллари гапириб берган.

Сомси номли бу сержант айтганки, Фуми Носаван — Бун Ум гуруҳи менинг бўлинмамга Сиент—Куэнгадан ғарби-жануб томондаги таянч пункти Падонгга ҳужум қилишни буюрди, кейинчалик бўлинмам Пак—Санга чекинди.

Сомси Фуми Носаван—Бун Ум гуруҳи Падонгга жойлаштирилган икки иқёнчи батальонга ёрдам тариқасида 26 майда яна икки рота юборганлигини ҳам хабар қилган. Иқёнчи ана шу икки батальон аҳолининг уйларига қарата ўт очган ва бу райондаги икки қишлоқни босиб олган. Эртасига, 27 май куни: деб давом қилган Сомси, Саваннакет гуруҳи Падонг районидаги икки қишлоқни ўққа тутиш ва бомбардимон қилиш учун Вьентьяндан тўртта қирувчи самолет юборган.

СОВУҚ УРУШ ЖАРЧИЛАРИ ТИНЧИМАЁТИР

НЬЮ-ЙОРК, 14 июнь. ТАСС мухбири Г. Васильев хабар беради:

Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида Н. С. Хрушчев томонидан Ж. Кеннедига топширилган эсдалик хатининг жаҳон жамоатчилигига кўрсатган таассуротидан ғоят ташвишга тушиб қолган зўр бериб қуроллаништарафдорлари Америка матбуоти саҳифаларида ана шу муҳим ҳужжатга туҳмат ёғдиришни давом эттирмоқдалар. Шу билан бирга ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида ҳукмга келиш йўлидаги ҳамма ғовларни олиб ташлаш учун мумкин бўлган барча чораларни кўраётган Совет Иттифоқининг позициясини яқ-қол баён қилиб берувчи эсдалик хатининг моҳиятини улар четлаб ўтмоқдалар.

Совет ҳукуматининг ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги музокаралар қийинчиликларга дуч келганлигини назарда тутиб, ишни асосий, туб масаладан — ялпи ва батамом қуролсизланиш масаласидан бошлаш керак, деган таклифи уларга айниқса ёқмаётир. АҚШ матбуоти бу масалада ҳам ўзининг ҳақ эканлигини кўрсатиш учун ҳеч қандай далил кўрсата олмаётир.

Шу факт эътиборни ўзига тортадики, «Нью-Йорк таймс», «Нью-Йорк геральд трибюн» «Нью-Йорк уорлд телеграмм энд сан» газеталари Қўшма Штатлар ядро қуроли синовларини қайтадан бошлашга ҳозирлик кўраётганликлари тўғрисида мақолалар ва корреспонденциялар босиб чиқарди. «Нью-Йорк геральд трибюн» газетаси энг муҳим воқеаларга редакция номидан берган обзорида Кеннеди ҳукумати «ядро қуроли синовининг контроль қилинмаётган ва ўтиз бир ойдан бери давом этиб келаётган муддатидан АҚШнинг воз кечиши учун замин ҳозирлаш ҳамда ер ости портлатишларини қайтадан бошлаб юбориш эҳтимолига жамоатчилик фикрини тайёрлаш» мақсадида «Оқ китоб» эълон қилишга ҳозирлик кўрмоқда, деб ёзади.

«Нью-Йорк таймс» газетаси ҳам АҚШ конгрессининг маълум аъзолари ядро қуроли тўғрисида Женевада олиб борилаётган музокараларни тўхтатишни ёки атом қуроли синовларини қайтадан янгилашни ёқлаб, ҳукуматга тазйиқ ўтказишни кучайтирмоқдалар» деб хабар қилади. АҚШнинг собиқ президенти Эйзенхауэр ҳам зўр бериб қуролланишт ва халқаро кескинлик тарафдорларининг шовқун-суронига жўр бўлди. У Синсинатти шаҳрида (Огайо штати) нутқ сўзлаб Америка ҳукуматини «ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги битимга эришишни узоқ кутиб турмасликка» даъват этди.

Совуқ урушнинг атом энергияси бўйича комиссиядаги корчалонлари ҳам ҳаракатга тушиб қолдилар. «Нью-Йорк Уорлд телеграмма энд сан» газетасининг хабар беришича, атом энергияси бўйича комиссия ядро қуроли синовлари планини баён қилиб берувчи докладни икки гилдиракли арава номи билан эълон қилган. Бу план Беринг бўғозидан 200 миля шимолроқда, Аляска оролининг ғарби-шимолий тумшуғига яқин жойда «сунъий гавань вужудга келтириш учун ҳарбий мақсадларни кўзламай» ядро қуролини портлатишни кўзда тутади.

Ана шу урушқоқлик руҳидаги мақолалар, баёнотлар ва планларнинг ҳаммаси тинчликсевар жаҳон жамоатчилигини қўрқитишга интилишдан бошқа нарса эмас.

Областимиз янгиликлари

КОМСОМОЛЛАР ОТАЛИҒИДА

Оҳангарондаги «Комсомолец» кинотеатрида учинчи қурилиш бошқармаси комсомоллари томонидан «кўнгилли хизмат бюроси» ташкил қилинди. Кечки сеансларга тамошага тушган ота-оналар энди ўз фарзандларини комсомол навбатчилар ихтиёрига қолдириб кетаверадилар. Кичкинтойлар бу ерда сира зериқмайди. Уларни ёш «энагалар» ҳар хил ўйинчоқлар билан овитиб ўтиришади.

Ота-оналар бу «бюро»дан болаларни боқиш, мактаб ёшидаги ўтил-қизлар учун каникул кунларида кун тартибини қандай қилиб тузиш юзасидан фойдали маслаҳатлр олишлари мумкин.

Комсомолларнинг «Кўнгилли хизмат бюроси» ҳозир Оҳангаронинг жуда кўп клубларида ташкил қилина бошланди. (ЎзТАГ).

МАШҒУЛОТЛАР ЯКУНЛАНДИ

Бундан роса 10 ой муқаддам Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози маданият университетининг биринчи машғулоти ўтказилган эди. Ўшанда республикамизнинг таниқли олимлари машғулотга қатнашиб, ғоят мазмунли ўтган суҳбатлари билан маданият ўчоғи тингловчилари ҳурматини қозонишган эди. Шундан кейинги машғулотларда ҳам фан аҳллари қизиқарли лекциялари билан тингловчиларни беҳад хурсанд қилдилар. Профессор Я. Гуломовнинг «Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти», С. Ганиеванинг «Алишер Навоий—ўзбек халқининг буюк шоири», фольклорист М. Алавиянинг «Халқ оғзаки ижодида тўй-маросим қўшиқлари» деган темалардаги лекциялари катта тематик кечаларга айланиб кетди.

Атоқли шоир ва ёзувчилар колхоз маданият ўчоғининг азиз меҳмонлари бўлишди. Район ва колхоз бадиий ҳаваскорларининг чиқишлари ҳам ҳаммага манзур бўлди.

Университет машғулотлари ўн ойга мўлжалланган эди. Яқинда колхозчилар, қишлоқ хўжалик илғорлари унинг якунловчи машғулотига тўпландилар. Ўша куни тарих фанлари кандидати Р. Аминова тингловчиларга «Ўзбекистон хотин-қизлари — коммунизмнинг актив қурувчилари» деган темада лекция ўқиди. Машғулотдан сўнг республикада хизмат кўрсатган артист, композитор Ҳ. Нишонов раҳбарлигидаги колхоз ашула ва рақс ансамблининг концерти кўрсатилди.

Колхоз маданият университетининг фаолияти давомида тингловчилар кўп нарсани билиб олдилар.

А. ЛАТИПОВ.

ОЗИҚ-ОВҚАТ УЙГА ЭЛТИБ БЕРИЛАЁТИР

Пионер кўчасидаги 15-уйда яшовчи пенсионер аёл М. Филатова квартирасига кириб келган сотувчи Махфура Зминовани кўриб, хурсанд бўлиб кетди.

— Барака топ, раҳмат, синглим!

— Арзимайди, хизмат вазифамиз...

Магазин ходими уй бекасининг заказлари — гўшт, колбаса, сариёғ, консерва, булкаларнинг ҳаммасини корзинкада келтирган эди.

«Чирчикторг»нинг Троицкий посёлкасидаги 89-озиқ-овқат магазини ходимлари коммунистик меҳнат ва юксак маданият коллективи деган шарафли номни олиш учун курашмоқдалар. Улар харидорларга маданий савдо қилиш билан бирга махсус буюртма асосида хонадонларга озиқ-овқатларни элтиб бериш ташаббусини бошладилар.

Магазин сотувчиси ўртоқ М. Зминова ҳар куни хонадонларга бориб, одамлардан заказ қабул қилади ва бу заказларни келтириб беради.

89-магазин (мудири ўртоқ В. Неверова) бошлаган бундай яхши ташаббус шаҳардаги бошқа магазинларда ҳам қўлланила бошланди. Кекса пенсионерлар, дастёрсиз оилаларга бундай савдо методи жуда қўл келмоқда.

Яқинда озиқ-овқат маҳсулотлари хонадонларга махсус енгил машиналарда ҳам элтиб бериладиган бўлади.

Ў. ТУРДИВАЛИЕВ.

МАРОҚЛИ КЕЧА

Тошкент шаҳар сиёсий маданий-оқартув техникумининг клубида студентларнинг ташаббуси билан республика табиий-илмий билимлар пропагандаси музейи ходимларининг ҳамкорлигида илмий-атеистик темада кеча ўтказилди.

Кечада музей директори Эрбўтаев «Ислом динининг келиб чиқиш сабаблари ва унинг маросимларининг зарари», музейнинг илмий ходими Г. Шокиров «Оламнинг тузилиши ҳақида фан ва дин», техникум студенти Ж. Дилмуродов «Фан динни рад этади» деган темаларда кўргазмали плакатлар билан доклад қилдилар. Докладлар билан параллель равишда киноочерклар кўрсатилди.

Кечада иштирок этган 300 дан ортиқ киши лекцияларни мароқ билан тингладилар. Техникум ва музей ходимлари пропагандаларнинг бу янги ва таъсирли формасини янада давом эттирсалар, яхши бўлар эди.

Қ. ИСАЕВ.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ТЎҚИМАЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Яқинда Олмалиқ шаҳрида «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг футбол, волейбол ва шахмат бўйича область биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда Тошкентдан тўқимачилик комбинатининг «Тўқимачи» ва «Старт» ҳамда Оҳангарон, Янгийўл Олмалиқ командалари қатнашдилар.

Волейбол бўйича бўлган учрашувларда «Тўқимачи» хотин-қизлар командаси биринчиликни эгаллаб, жамият чемпиони номини олди. Футболчилар мусобақасида эса биринчиликни олмалиқликлар ва иккинчи ўринни комбинат спортчилари олди. Шахматчилар учрашувида «Старт» командаси олдинги ўринни эгаллади. «Тўқимачи» шахматчилари иккинчи бўлдилар.

Р. Иброҳимов.

ТРАДИЦИОН ЭСТАФЕТА

Чирчиқ шаҳрида «Социалистический Чирчик» газетаси мукофоти учун 13-традицион эстафета ўтказилди. 6200 метр масофага чўзилган бу эстафетада 12 та команда мусобақалашди. «Химик» стадионида финишга биринчи бўлиб Тошкент танкчилар билим юрти енгил атлетикачилари етиб келдилар. Чирчиқ электркимё комбинатининг командаси эса иккинчи ўринга чиқди. Голибларга мукофот ва фахрий ёрлиқлар берилди.

Т. Сихарулидзе.

БОКСЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Тошкентдаги М. Горький номли маданият ва истироҳат паркида бокс бўйича энг яхши техник маҳорат учун мусобақа бўлиб ўтди. «Локомотив», «Динамо» «Спартак», «Меҳнат резервлари» «Буревестник» ва Армия спорт клуби боксчилари парк мукофотини олиш учун 2 кун курашдилар. Бу «жанг»ларда «Спартак» спортчилари команда биринчилигини қўлга киритдилар. Аъзамов, Таланов ва Кондишев техник жиҳатдан энг яхши боксчи учун белгиланган мукофот билан тақдирландилар.

А. Ким.

Телевизор экранида

16 ИЮНДА

19.00. Н. К. Крупская номли пионерлар саройи тўгарак қатнашчиларининг чиқиши.

19.35. Телевизион янгиликлар

19.55. Рус тилида коментатор суҳбати.

20.10. Осиё халқларининг куйлари.

20.40. М. Горький. «Егор Буличев ва бошқалар» деган фильм-спектакль (2-серияда).

Давлат хавфсизлик комитети ва Ўзбекистон ССР прокуратурасида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитети валюта муомаласи қоидасини мунтазам суратда бузиб келганликлари, шунингдек, олтин, валюта ва қимматбаҳо қоғозлар билан чайқовчилик қилганликлари учун бир қанча шахсларни қамоққа олди ва жиноий жавобгарликка тортди.

Фош қилинган жиноятчилардан революциягача чиқариб келинган 5 килограммдан кўпроқ рус ва чет эл олтин пуллари шунингдек 700 минг сўмлик (эски пулда) ҳар хил олтин ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар, 3 процентли ва 1957 йилда чиқарилган давлат заёмлари облигациялари топилди. Қамоққа олинганларнинг мол-мулки 2 миллион сўмдан ортиқ (эски пулда) баҳоланди.

Қамоққа олинган **С. Л. Плотников И. М. Литвак** ва **Е. Л. Луцкий** республика Олий суди томонидан турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди.

Қамоққа олинган **Ш. А. Шамалов М. Ю. Кайдов** ва бошқаларни тергов қилиш тугалланди. Уларнинг иши юзасидан айбномани Ўзбекистон ССР прокурори тасдиқлади. Яқин кунлар ичида бу жиноятчилар суд қилинади.

Пахта териш махсус давлат конструкторлик бюросининг Тошкент область Қуйи Чирчиқ районидаги

ТАЖРИБА-ДАЛА БАЗАСИ

300 тонна

БЕДА СОТАДИ

(тоннаси 37 сўмдан)

«АВТОТРАКТОРОДЕТАЛЬ» ТОШКЕНТ ЗАВОДИГА

токарлар, фрезерчилар, ускуна ремонт қилувчи слесарлар, иссиқ штамплар бўйича инструментчи слесарлар, механика цехларининг мастерлари ва кадрлар тайёрлаш инженери

керак

Мурожаат учун адрес: Т. Шевченко кўчаси 54-уй, Телефон — 32-743.

Тошкент темир йўлининг **1-СИГНАЛИЗАЦИЯ ВА АЛОҚА ДИСТАНЦИЯСИГА**

радист техниклар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Саларские ключи кўчаси, 2-уй (Автовокзал рўпарасида).

КИРОВ РАЙОН ПИШЧЕТОРГИГА

магазинларда ишлаш учун: **озиқ-овқат товарлари сотувчилар, нишчилар, юкчилар, уборщичилар,** сотувчи ходимлар тайёрлаш учун 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган **йигит ва қизлар**

керак

Тошкент шаҳар Энгельс кўчаси, 79-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

«ТАШЛИМВОДТОРГ»ГА

аравачада газ сув, мороженое, квас

сотувчилар керак

Киров кўчаси, 39-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

Қувурариқ кўчаси, 44-уйда турувчи **Жамол Нурмуҳамедовнинг** Каттабоғ кўчаси, Зомин тупик, 5-уйда турувчи Инобат Нурмуҳамедовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

1-Қорамурт проезд, 63-уй, 1-квартирада турувчи **Дания Усмановна Аҳмедшинанинг** шу уйда турувчи Рим Нуруллаевич Сайфуллиндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

1-Москворецкая кўча 19-уйда турувчи **Абдулла Иўлдошевич Мирзамуҳамедовнинг** шу уйда турувчи Маъфират Қурбоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Лугин кўчаси Кряжский переулок, 4-уйда турувчи **Сеня Иосифович Вальвовскийнинг** Завкомская кўча 19-уйда турувчи Анна Фёдоровна Вальвовскаядан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 16 ИЮНЬ, 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 01001.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босма хонаси.

Нашр. В. 1617.